БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 206 (11.955) | Шанба, 2 сентябрь 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин

КПСС XXII съезди шарафига

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

БЕШКЕНТ (Сурхондарё области), 31 август. (ЎзТАГ). «Партия XX съезди» совхози механизаторлари ҳосилни машинада теришга киришдилар. Терим чигит эрта муддатларда экилган ва пахтаси яхши очилган участкаларда ўтказилмоқда.

«ХВС-1,2» пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Камол Саломов кун сайин тўрт тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» тераётир. У бошчилик қилаётган бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Камол Саломов ўтган йил 150 тонна пахта терган эди, бу йил 170 тонна терим мажбуриятини олган.

Механик - ҳайдовчилардан КПСС аъзоси Раҳмат Саодатов, Хонали Эргашев ва бошқалар пахтани машинада теришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар ўз машиналарининг бункерларидан кун сайин 4,5 тоннадан «оқ олтин» туширмоқдалар.

СССР—ТИНЧЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ, МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

АГРЕССОРЛАРНИНГ НИЯТЛАРИ БАРБОД БЎЛАДИ!

Социализм ва тинчлик бир-бирига чамбарчас боғланғандир. Урушни йўқотиш, дунёда абадий тинчликни барқарор қилиш — коммунизмнинг тарихий миссиясидир. Жаҳон социалистик системасидаги мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари, ҳукуматлари, халқлари ана шу тарихий миссияни бажариш учун зўр ғайрат, қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектида бундай дейилади: **«КПСС СССРда коммунистик жамият қуриш учун ва жаҳон социализм системасини ривожлантириш учун тинч шароит таъминлашни ҳамда барча тинчликсевар халқлар билан бирликда инсониятни қирғинлик келтирувчи жаҳон урушидан қутқаришни ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг асосий мақсади деб билади».**

Бутун Советлар мамлакати буюк яратувчилик ғайрат-шижоати билан тўлиб-тошган. КПССнинг бўлажак XXII съезди мамлакатимизда коммунистик қурилиш Программасини кўриб чиқади ва қабул қилади. Шу улуғ мақсадга эришиш учун тинчлик керак

Социализм мамлакатлари конкрет ва бир мақсадга қаратилган программа асосида тинчлик учун курашмоқдалар. Бизнинг программамиз — қуролланиш эмас, балки қисқартириш программасидир. Совет Иттифоқининг, шунингдек социалистик ҳамкорликдаги ҳамма мамлакатларнинг бошқа давлатлар билан муносабатларда биз қурол кучи билан ҳал этишни истаган бирорта масаласи йўқ. Социализм мамлакатлари давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бирдан-бир оқилона принципини — тинч-тотув яшашнинг ленинча принципини таклиф қилмоқдалар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Америка журналисти Дрю Пирсон саволига берган жавобини дунёдаги оддий кишилар СССРнинг тинчликсевар эканлигини кўрсатувчи янги ёрқин далил сифатида, унинг агрессия ва уруш кучларини жиловлаб қўйишга қатъий аҳд қилганлигини кўрсатувчи янги далил сифатида кутиб олдилар. **«Биз иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга ҳаракат қилмоқдамиз, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — Европадаги вазиятнинг, бинобарин, бутун дунёдаги вазиятнинг тўсалиншини истаймиз, жаҳоннинг ҳамма халқлари соф ҳаво билан нафас олишини истаймиз, мамлакатлар тотув қўшни бўлиб яшашларини истаймиз, улар бир-бирлари билан тинч муносабатларда бўлишларини, одамлар уруш ваҳимасидан ҳоли бўлиб яшашларини истаймиз».**

Ғарбий Германияда реванш олиш ошкора талаб қилинаётган экан, у ерда Германия Демократик Республикасини яксон қилиш планлари ўртага қўйилаётган экан, Ғарбий Берлинда халқаро кескинлик ўчоғи сақланиб қолар экан, бунга эришиш мумкинми, ахир? Бонн милитаристлари ўз агрессив ҳаракатлари билан қирғин келтирадиган ядро конфликти оловини авж олдириб юбормайди, деб ким гарантия бера олади? Уларнинг программаси уруш сиёсатидан иборатку, ахир

Ҳозир иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишдан ҳам кескинроқ ва муҳимроқ проблема йўқ. Шу сабабли СССР Германия билан дарҳол сулх шартномаси имзолашни ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал этишни таклиф қилмоқда. Совет ҳукумати Ғарбий Берлин учун эркин шаҳар статусини белгилашни ҳамда унга зарур гарантиялар берилишини талаб қилмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ана шу жуда муҳим масалада Ғарб давлатлари ишлатаётган найрангларнинг бемаъни эканлигини фош қилиб айтдики, агар Ғарб давлатларининг раҳбарлари Германия проблемасини ўзаро мақбул бўладиган асосда реалистик тарзда бартараф қилишни астойдил истасалар, биз улар билан бу ҳақда гаплашишга ҳамма вақт тайёрмиз. Агар Ғарб давлатлари сулх шартномасини имзолашни истамасалар, Совет ҳукумати бунга чин кўнгилдан афсусланади. У ҳолда Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга Германия Демократик Республикаси билан сулх шартномаси имзолашга тўғри келади.

Совет Иттифоқи Германия билан сулх шартномасини тинч йўл билан ҳал этиш масаласи ҳамма томонларнинг қонуний манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўзаро келишув асосида ҳал этилиши учун бутун куч-ғайратини сарф лайди. Бироқ Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари ақл-идрок овозига қулоқ солиш ўрнига ўз ҳоҳишларини ўтказиш ва таҳдид қилиш йўлини тутмоқдалар. Кейинги ойларда бутун дунё АҚШда, Ғарбий Германияда ва Шимолий атлантик блокининг бошқа мамлакатларида милитаризмнинг мислсиз авж олганлигининг шоҳиди бўлди. Зўр бериб қуроллариш гоят тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Шуни айтиш кифояки, АҚШ янги бюджет йилида ҳарбий мақсадларга Корея урушининг сўнгги йилидагига қараганда кўпроқ маблағ сарфлайди. Вашингтон ҳозирдаёқ ўз армиясининг сонини кўпайтириш юзасидан бир қанча чоралар кўрди. Реакцион пропаганда ҳарбий васвасани бутун воситалар билан авж олдирмоқда. Энг ҳаддидан ошган империалистик доиралар уруш қиламиз деб бизга очиқдан-очиқ таҳдид солмоқдалар.

Ватанимиз муқаддас чегаралари остоналарида урушнинг мудҳиш булутлари пайдо бўлмоқда. Ана шу фактлар ҳушёрликка чақирмасдан қола олмайди. Шу фактларни назарда тутиб, Совет ҳукумати ҳар қандай агрессор ҳужум қилишга қарши кўргани тақдирда, уни зарарсизлантириш учун Совет Иттифоқи батамом шай бўлиб туришини таъминлайдиган барча зарур чораларни кўришни ўз вазифаси, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қонунда белгиланган ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган ҳамда тегишли қўшин турлари ва квалификацияларидаги запасга бўшатилиши лозим бўлган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналардан Ғарб давлатларининг агрессив доиралари томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай игвогарликларнинг олдини олиш мақсадида Совет Армиясининг жанговарлик қобилиятини таъминламоқ учун лозим бўлган қисмини СССР Қуролли Кучлари составида вақтинча ушлаб туришни зарур деб тордилар. Кеча «Правда» да Совет ҳукуматининг Баёноти эълон қилинди СССР ҳукумати вужудга келган аҳволни ҳар тарафлама ва чуқур ўйлаб кўргандан кейин СССР ҳукумати ядро қуролининг экспериментал портлатишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Совет кишилари, халқаро жамоатчиликнинг кенг табақалари тушунадиларки, бу — СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан тўғридан-тўғри таҳдид қилаётган империалистик кучларнинг дастидан мажбуран кўрилган тадбирлардир. **«АҚШ ва НАТОнинг бошқа баъзи мамлакатлари таҳдидлар ва ҳарбий тайёргарликлар қилиб турган бир пайтда, — дейилади баёнотда — Совет ҳукумати НАТО аъзоси бўлган баъзи давлатларнинг пойтахтларидаги қизиб кетган бошларни совитиб қўядиган энг самарали қурол-яроғ турларини такомиллаштирмоқ учун ўзида бўлган имкониятлардан фойдаланмаганида эди, у ўз мамлакатининг халқлари олдида, социалистик мамлакатларнинг халқлари олдида, тинч турмушга интилаётган ҳамма халқлар олдида ўзининг муқаддас бурчини бажармаган бўлур эди».**

Барча социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун прогрессив инсоният Совет Иттифоқининг ўз мудофаа қобилиятини кучайтириш соҳасидаги тадбирларини қўллаб-қувватламоқда. Ер курраси-нинг ҳамма бурчакларида билдирилаётган фикрлар шундан далолат бермоқдаки, оддий кишилар СССР ҳукуматининг ана шу жавоб чоралари мажбуран кўрилган чоралар эканлигини тушунмоқдалар.

Яхши ниятли кишилар шуни биладиларки, Совет ҳукумати янги урушга йўл қўймаслик учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилади. Лекин совет халқи таҳдидлардан, ҳарбий тазйиқлар ёки кучларнинг намойиш қилинишидан қўркмайди. Мабодо Германия билан сулх шартномасининг имзоланиши муносабати билан империалистлар бизни уруш гирдобига тортишга уринмоқчи бўлсалар, совет кишилари агрессияни келтириб чиқарувчи кучларни батамом ва абадий яксон қилишга қаттиқ бел боғлагандирлар.

Биз урушни истамаймиз. Совет Иттифоқи таптанали суратда айтдики, у ҳеч қачон биринчи бўлиб қўлга қурол олмайди, ҳеч қачон урушни бошлаш йўлига кирмайди Бироқ бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бериш учун ҳамиша тўла жанговар тайёр ҳолда турибдилар.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети адресига, газета редакцияларига совет кишиларидан жуда кўп хатлар келмоқда. Бу хатларда улар ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни ва Ватанимизнинг ҳарбий қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни тўла маъқулламоқдалар.

Совет халқининг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашдаги куч-ғайрати бекорга кетмайди, балки бу куч-ғайрат бошқа барча халқларнинг дунёда мустаҳкам, бузилмас тинчликка эришишга қаратилган куч-ғайратларига қўшилади. Тинчлик ва халқлар дўстлиги иши тантана қилади, агрессив кучларнинг мўлжаллари эса, барбод бўлади. Совет ҳукумати бунга аминдир, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар ҳам бунга аминдирлар.

(«ПРАВДА»нинг 1 сентябрдаги бош мақоласи).

ЖАНГЧИЛАР СЎЗИ

Республикамизда хизмат қилаётган жангчилар ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарни запасга бўшатишни вақтинча кечиктиришга қарор қилганликлари тўғрисидаги хабарни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Жангчилар ўртасида халқаро вазиятни назарга олиб, Қуролли Кучлар сафида қолдиришни илтимос қилиб, партия Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига мурожаат қилган кўп кишилар бор.

Н-қисмда хизмат қилаётган старший лейтенант коммунист А. Смирнов (суратда ўртада) КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини эшитгандан кейин авиаторлар билан суҳбатлашди.

— Бизнинг армиямиз — тинчлик посбони, — дейди у. — Лекин тинчлик ва демократия лагерига ҳужум қилишга журъат этган ҳар қандай агрессорга биз тегишли зарбани берамиз. Германия Демократик Республикасига қарши, бутун социалистик лагерга қарши ҳар қандай игвогарликларни қилаётган ғарбий герман реваншчилари ва уларнинг америкалик хўжайинлари бу ҳақда ўйлаб кўрсинлар.

В. УДАЛЬЦЕВ фотоси.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Республикамиз етакчи областининг пахтакорлари бу йил она-Ватанга 750 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Қишлоқ хўжалик илғорларининг область кенгашида бу вазифалар ва КПСС XXII съезди шарафига олинган бошқа мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Бу масала юзасидан Ленин, Андижон, Сталин, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон район партия комитетларининг секретарлари Х. Мамажонов, Х. Жўраев, П. Қаюмов, И. Набиев, В. Ҳайдаров, С. Қорабоев ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Музокараларда Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Наманган районидаги Сталин номли, Хўжаобод районидаги «Правда», Янгиқўрғон районидаги «Москва» тажриба-намуна хўжаликларининг раислари А. Тиллабоев, Х. Соиббоев, Қ. Султонов, Н. Ортиқов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз хўжаликларида мўл ҳосил учун қандай кураш олиб борилаётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Кенгаш қатнашчилари бу йил пахта ўтган йилга нисбатан анча барвақт етишганлиги, далаларда социалистик мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштирилганини қайд қилдилар ва теримни ҳамма жойда оммавий қизиқиб юбориш, очилган пахтани пешма-пеш териб давлатга топшириш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қурбонов йиғим-теримга тайёргарлик кўришда олиб борилаётган ишларни анализ қилиб берди ва бу соҳада жиддий нуқсонлар борлигини айтди Кўп хўжаликларда ҳозиргача пахта йиғим-теримини олиб бориш юзасидан конкрет план ва графиклар тузилмаган. Областда асфальт хирмонлар тайёрлаш топшириғи 54 процент бажарилган, холос.

Колхозлар ва совхозлардаги 3164 далачилик бригадасидан фақат 1210 тасида тош-тарози бор. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатини уюштиришда камчиликлар кўп. Областда гўшт, сут, мева ва сабзавот тайёрлаш планлари сust бажарилмоқда.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Область қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг қатнашчилари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан республикадаги барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

ХАЛҚ ДАҲОСИНИНГ АМРИ

Тинчлик — ҳаёт, тинчлик — бахт-саодат. Фашистлар иккинчи жаҳон урушини бошлаб тинчликни буздилар. Оқибат, ўзлари қазиган чуқурга ўзлари йиқилдилар. Социалистик мамлакатларга қарши уруш бошлаш билан таҳдид қилаётган Ғарб давлатларининг игвогарлик ҳаракатлари ҳам барбод бўлади

Партия ва ҳукуматимиз тинчлик деб солдатларни ҳарбий хизматда қолдириш муддатини чўзишга қарор қилиб маъқул қилди. Зотан халқ даҳоси ҳам шуни айтмоқда. Негаки, улар партия Программаси проектида белгилангандек — коммунизмни қурмоқда. Бунинг учун тинчлик лозим. Бироқ, империалистлар игвогарлик қилиб, уруш чиқазган тақдирда совет кишилари яна бир кишидек бўлиб, жонажон юртини ҳимоя қилишга қодир.

Абдуғани ҚОДИРОВ, шахсий пенсионер.

Механизаторлар аҳди

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарни запасга бўшатишни вақтинча кечиктирганликлари тўғрисидаги хабарни Янгиўл районининг колхозчилари, совхоз ишчилари ва илмий муассасаларнинг ходимлари маъқуллашмоқдалар.

Мамлакатнинг машҳур механизатори, Ўрта Осиё машина синаш станциясининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко бундай деди:

— Партия ва ҳукуматимиз ўзининг бутун сиёсатини давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинч-тотув яшаш асосига қурилишини кўзлаб, амалга оширмоқда. Бизнинг муддаомиз шуки, халқлар вайрон этиш қуролларини ким кўп ишлаб чиқаришга мусобақалашмасдан, кишилар учун жуда зарур бўлган моддий неъматларни ким кўп яратишга мусобақалашсинлар, маънавий бойликлар билан бир-бирларини ўзаро бойитадиган бўлсинлар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проекти ҳам олижаноб интилишлар руҳи билан суғорилган. Бу проект совет халқининг яқин 20 йил ичидаги амалий вазифаларини белгилаб бермоқда. Игвогарлар янги уруш оловини ёқишга уринадиган бўлсалар, оқибати ўзлари учун яхши тугамайди. Биз, механик-ҳайдовчилар, хоҳлаган вақтимизда пахта териш машиналарининг рулини танклар штурвалига ёки бундан ҳам даҳшатлироқ қуролга алмаштира оламиз ҳамда кўкрагимизни қалқон этиб, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қиламиз.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

БУХОРО («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари). Областнинг шаҳар ва район мактабларида машғулотлар уюшқоқлик билан бошланди. Биринчи қўнғироқ чалиниши биланоқ, ўн минглаб ўқувчилар дарсхоналардан ўрин олдилар.

Бухоро, Навоий, Когон шаҳарлари, Ғиждувон, Шофриқон, Свердлов районларида бу ишга айниқса яхши тайёргарлик билан киришилди. Фақат Бухоро шаҳридагина бу йил биринчи марта салкам икки минг бола ўқишга келди, улар учун қўшимча 50 синфхона қурилди.

Областда мактаб-интернатлар сони ўтган йилга нисбатан анча кўпайди. Навоий, Когон шаҳарларида, Свердлов районидаги Сталин номли колхозда янги мактаб-интернатлар қурилиб, фойдаланишга топширилди ва уларда кеча машғулотлар бир сменада бошланди.

Шунинг қувончлиги, шаҳардаги Қоракўл заводи, Педагогика институти маъмурияти ва партия ташкилотлари, Когон темир йўл станциясининг коллективлари, Навоий районидаги «Бухоро», Вобкент районидаги «Коммунизм» колхозларида ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз ташаббуслари билан янги мактаблар ва синфхоналар қуриб бердилар ва бу йил мактабларда машғулотларнинг бир сменада ўтказилишига катта ҳисса қўшдилар.

1 сентябрь куни областдаги 558 мактабда машғулотлар активлик билан бошланди.

Л. ЭРГАШЕВ, М. НАЗАРОВ.

Суратда: Тошкентдаги 136-«Комсомол 40 йиллиги» мактабининг 7-синф ўқувчилари биринчи дарсда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАКТАБЖОНИМ ЧИРОЙЛИК

О, сентябрь, мактабжоним чиройлик,
Деворларинг яшнар оппоқ пахтамдек,
Эшик, ойна, синфларинг данғиллар,
Ол байроғинг пир-пирайди бахтимдай.
Янги парта иси райҳон ҳидидай,
Думоғимни очар кирсам синфга,
Ўртоқларим парталарда ўлтирар,
Гул дастадай тизилишиб бир сафда.
Китобимнинг муқоваси ярқироқ,
Дафтарларим лайлак қоридай оппоқ.
Ручкам — пером жилваланиб кулгандек,
Сиёҳдоним гўзал чашма — кўк булоқ.
Уй тўрида қора бахмал доскамиз,
Суркатмайин ёзақолгин, кел дейди!
Тўрт қиррали митти бўрим — думалоқ,
Оқ қаламинг мен бўламан, бил дейди.
Ҳатто полга оёқ боссам ғирчиллар,
Оёғингни артиб киргин дегандек.
Қўнғироқчам бир ўзгача жаранглар,
Най товуши қулоғимга киргандай.
Ўқитувчи опамлар ҳам бошқача,
Юзларида ёруғ юлдуз кулгандек.
Қувнаб, яйраб саломлашиб кўришдик,
Синф, мактаб битта юрак бўлгандек.
О, мактабим, кўз ўнгимда гулжаҳон,
Ярақлайсан, бир ўзгача оламсан.
Деворингга гард қўндирмай сақлайин,
Ўқитувчим, мактабжоним — онамсан.

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

БИЛИМ ЎЧОҒИ

1 сентябрь — саҳий куз фаслининг дебочаси. Лекин кеча саҳар туриб мактаб томон йўл олган, қадрдон мактаб қучоғида қўнғироқ чалиниши бетоқатлик билан кутаётган ўғил-қизларимизни, бу йил мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйган фарзандларимизни кўрган ҳар бир кишининг қалбида баҳор нашъаси, кўклам қувончи мавж уради. Гул дасталар кўтарган, чеҳраларида бахтиёрлик барқ уриб турган болалар ҳар қандай баҳор гулларидан ҳам гўзал!

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 148-ўрта мактабда ўқув йили уюшқоқлик билан бошланди.

Бу йил шу биргина мактаб бағрида 1322 ўғил-қиз таълим олади. Улардан 200 бола мактаб остонасига биринчи бор қадам қўйди. Бешта биринчи синфдаги ўқувчилар қўлларига биринчи марта қалам-дафтар ва китоб ушлаб, ўқитувчининг сўзларига қулоқ сола бошладилар.

Мактаб коллективи янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрди. Бинолар ўз вақтида яхшилаб ремонт қилинди. Бунда «Ўзбекбирлашув»га қарашли ёғоч-созлик комбинати коллективи, ота-оналар мактабга яқиндан кўмаклашдилар.

Парталар шу мактабдаги юқори синф ўқувчиларининг кучи билан ремонт қилинди Фарзандларимиз ҳам билим олмоқдалар, ҳам ҳунар ўрганмоқдалар. Уларнинг орзу ғунчалари шу ерда гуллайверади.

Ҳ. НУРИДДИНОВ.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ СИРИЛ АДУЛА ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

Леопольдвиль

Конго парламенти Сизни Конго Республикаси ҳукуматининг бошлиғидек юксак вазифага тайинланганлиги муносабати билан, Сизга ушбу телеграммани йўллаш ва шу фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга, Конго Республикаси ҳукуматига ва халқига Конго давлати мустақиллигини ва бирлигини мустаҳкамлаш ишида муваффақиятлар истаб, энг яхши тилаклар изҳор қилиш шарафига муяссарман. Конго давлати мустақиллиги ва бирлигининг мустаҳкамланиши Африкада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб беради.

Республиканинг қонун чиқарувчи олий органи—парламентнинг Сиз бошчилик қилаётган ҳукумат Конго Республикасининг улуғ ватанпарвар Патрис Лумумба бошчилик қилган биринчи марказий ҳукуматининг ворисидир, деган қарорини назарга олиб, Совет ҳукумати Конго Республикаси билан дипломатик муносабатларни давом эттиришини ҳамда тенглик, суверенитетни ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик асосида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва самимий ҳиҳатлик муносабатларини ривожлантириш учун куч-ғайратини сарф этишини билдиради.

Ҳурмат билан

Н. ХРУШЧЕВ
СССР Министрлар Советининг Раиси.

Москва.
1961 йил 31 август.

XXII съездидан эслатмалар

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Завод ва фабрикалар, кон ва шахталарнинг азаматлари КПСС XXII съездини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. СУРАТДА: ана шу азаматлардан Оҳангарондаги 9-шахтанинг кон мастери Анорбой ЭРГАШЕВ (чапда), Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастери А. ШАМСИЕВ ва шу корхонанинг илғор ишчиси Р. ВАГАПОВА ўртоқлар.

В. Лейзерович ва А. Тўраев фотолари.

ИШДА ДАДИЛ ВА ПРИНЦИПИАЛ БЎЛИШ КЕРАК

(ИЗБОСКАН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Избоскан райони Андижон областининг қишлоқ хўжалигида салмоқли ўрин тутади. Бу ерда кўп тармоқли йирик давлат ва колхоз хўжаликлари бор Бу хўжаликлар ишлаб чиқаришда Ватанимиз бахт-саодати учун бутун кучини аямай меҳнат қилаётган, жонажон Коммунистик партиянинг XXII съездига муносиб туҳфалар ҳозирлаётган новаторлар, юқори ҳосил усталари минглаб саналади.

Район меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлиги кейинги ойларда тағин ҳам ўсдики, бу ҳамма ерда бўлганидек коммунизмнинг улуғ манифести, совет халқи истиқболининг буюк режаси — Коммунистик партия янги Программаси проектининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан кейин вужудга келган юксалишнинг янги намунасидир.

Район партия ташкилоти конференцияси қатнашчилари ва шу конференцияда КПСС Программаси ва Устави проектлари ҳақида доклад қилган райком секретарлари Х. Холхонов, Т. И Чуркин ўртоқлар ҳам меҳнаткашларда юз берган янги ҳис, туйғулар ҳақида, уларнинг ижодий меҳнати қандай катта натижалар бераётганлиги тўғрисида гапирдилар ва шу тўғрида кишини қувонтирадиган фактлар келтирдилар.

Сталин номли колхоз партия комитетининг секретари Набижон Қиргизов ўз сўзида колхоз тузумининг иқтисодий жиҳатдан равнақ топиши туфайли деҳқонлар ҳаётига коммунистик ғоялар чуқур сингаётганлиги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора йўқолиб бораётганлиги ҳақида гапирди. У айтдики, бизнинг қишлоғимизда пахта заводи қурилди, мактаб-интернат ишлаб турибди, касалхона, туғруқхона, ҳаммом, кинотеатр ва бошқа жамоат корхоналари колхозчиларга бепул хизмат кўрсатмоқда Деҳқонлар орасидан кўплаб олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган кадрлар етишяпти. Ҳозир қишлоғимизда 150 дан кўп ихтисосли механизатор, ўнлаб олий маълумотли агроном, инженер зоотехник, педагог ва бошқа касб эгалари бор Мана шу фактнинг ўзи КПСС янги Программаси проектида баён қилинган фикрларнинг нечоғли ҳақ эканлигини кўрсатади.

Ленин номли колхоз раиси Н. Жўраев пахта заводи партия ташкилотининг секретари И Захватов, район комсомол комитетининг секретари А. Собиров ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткашлар КПСС янги Программаси ва Устави проектини бирдамлик билан маъқуллаётганликларини, бу улуғ ҳужжатларда белгиланган вазифалар коммунистин жамият қурилишини барпо этаётган миллион-миллион халқларнинг йўлини ёритиб бераётганлигини таъкидладилар.

Конференция қатнашчилари райком секретари М. Эшоновнинг район партия комитети иш фаолияти ҳақида қилган ҳисобот докладини кизғин муҳокама қилдилар. Докладчи ва музокараларда қатнашган ўртоқлар райкомнинг хўжалик ва сиёсий вазифаларини ҳал қилишда, пропаганда ва агитация ишларини олиб боришда, кадрларни чиниқтиришда анча иш қилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга партиявий-ташкилий ва идеология ишларида юз берган жиддий хато ва камчиликлар танқид, ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланди.

Партия комитетининг ходимлари ўз фаолиятларида сиёсий-хўжалик вазифаларини изчил ва оператив ҳал қилишда ташаббус кўрсатмайдилар. Райкомнинг собиқ секретари Ғани Охунов партиявий раҳбарлик иш методида синалган коллегиалчилик принципини бузди. У баъзи масалаларни тор доирада ўзбошимчалик билан муҳокама қилиб, гарчи ўз фикри ва мулоҳазалари нотўғри бўлса ҳам уни ўтказишга уринди. Натижада районда алмашлаб экиш барбод берилди, маккажўхорикорлик унутиб қўйилди. Ғани Охунов хўжаликни бошқаришда юз берган жиддий нуқсонларни ва қолоқликни яшириш учун кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш йўлига ўтди, шуҳратпарастлик кетидан қувди.

Карл Маркс номли колхоз раиси Хосиятхон Усмонова район партия комитети кадрларни танлаш ва тарбиялашга етарли эътибор бермаётганлигини характерли мисоллар асосида кўрсатиб берди. Унинг айтишича, район партия комитети ва район ижроия комитети аппаратида хизмат қилувчи раҳбар ходимлар орасида бирорта хотин-қиз йўқ. Мана шу фактнинг ўзи партиявий ишнинг муҳим соҳаси ҳисобланган хотин-қизларни раҳбарлик вазифаларига кўтариш ва улар орасидан энг яхши тажрибали кадрлар тайёрлаб етиштиришга эътибор берилмаётганлигини кўрсатмайдими? Нотиқ районда танқид ва ўз-ўзини танқид бўш қўйилганлиги, бунинг натижасида юз берган хато ва камчиликларга қарши кескин ўт очилмаётганлигини айтди.

«Москва» колхози раиси Эъзозхон Исмоилова колхоз ишлаб чиқаришга етарли раҳбарлик қилмаётганлиги, қишлоқ хўжалигини планлаштиришда юз бериб келаётган чалкашликларни бартараф этишда ва хотин-қиз кадрларни ўстиришда етарли гамхўрлик кўрсатмагани учун район партия комитетини танқид қилди.

Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Қобилжон Воҳидов район партия комитети раҳбарларининг бир ёқлама иш тутганликлари, асосий эътиборни илғор колхозларга қаратиб, кейинда қолаётган хўжаликларга малакали раҳбарлик қилмаётганликларини жуда тўғри танқид қилди У айтдики, райком секретарлари ҳар бир хўжаликнинг ички аҳволини, ишлаб чиқариш жараёнини, одамларни яхши билмайдилар, қишлоқ коммунистларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмайдилар, уларнинг нималарга интилаётганликларини ҳисобга олмайдилар, айрим ҳолларда жойларда вужудга келган илғор ташаббус ва тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришда бошчилик қилмайдилар.

Ўртоқ Воҳидов «Узсельхозтехника» район бўлимининг бошлиғи И. Деминчукнинг тўралашиб кетганлигини, колхозларнинг эҳтиёжини ўрганмай, кабинетда ўзбошимчалик билан иш кўраётганлигини, асбоб-ускуналар ва запас қисмларни тақсимлаш принципини бузаётганини айтди ва бу аҳволга район партия ва совет органларининг нима учундир бепарво қараётганликларига таажжуб билдирди.

Конференция район партия комитетининг иш фаолиятидаги ана шу нуқсонларни бартараф этиш ва партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Конференцияда район партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди Ташкилий пленумда Х. Холхонов, П. И. Чуркин, М. Эшонов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайланди.

Х. ЁДГОРОВ,
Н. ҲАКИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбирлари.

ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ЗАМОНАМИЗГА МУНОСИБ МУЗИКАЛАР ЯРАТАМИЗ

Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар бўлган бизнинг жамиятимизда бошқа соҳалар сингари музика санъатининг ҳам роли беқиёс каттадир. Совет музикасининг ўсишига, музика аҳлига жонажон партия ва ҳукуматимиз яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ғамхўрлик Коммунистик партиянинг янги Программа проектида янада тўла ифодасини топди. Бизнинг музикамиз буржуа музика санъатидан ўзининг чуқур ғоявийлиги, гуманизми, ҳаётийлиги ва тарбиявий аҳамияти билан ажралиб туради. Совет музикаси буржуазия ахлоқининг қуруқ, ҳиссиз, жарангсиз ва йиртқоқи руҳига қарши забардаст халқимизнинг матонатини, буюк шижоат ва қаҳрамонлигини акс эттиради. Шонли кишиларимизнинг бу қаҳрамонлиги қонотга парвоз қилган лочинларимизнинг қаҳрамонликлари, янги жамият қуриш ишларини авж олдириб юборган, унинг дастлабки муаззам ғиштларини зўр сабот билан тераётган бинокорлар, қўриқ ва бўз ерлар очаётган кишилар ғайратида, офтобда қорайган, шамолларга бардош беролган Бухоро газчиларининг пижоатида, Турсуной ва Турсунойчилар етиштираётган момиқ пахтада ўз ифодасини топмоқда. Биз музикачилар халқимизнинг ана шу улуғвор ишларини қуйларда ифодалаймиз.

Мен томошабинларимизга манзур бўлган бир қанча фильмларга музикалар ёздим. Инқилобчи шоир ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзодага бағишланган «Ҳамза», «Синчалак» ҳамда «Зангори олов кишилари» фильмлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари Коммунистик партия XXII съездига атаб яқинда скрипка ва оркестр учун мўлжалланган концертин ёзиб тамомладим. Бу асарда ижодкор совет кишиларининг мардлиги, орзу ва истаклари, интилишлари тоннуми қилинади. Мен ҳозир янги балет ёзаётирман. Биз санъаткорларнинг ўз амалий фаолиятимиз, кундалик ишимиз ва режаларимизда КПСС Программа ва Устави проектлари йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

И. АКБАРОВ,
композитор.



Тошкент трикотаж фабрикасининг ишчиси Фарида Ҳамидова КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини муддатдан равишда ортириб бажариш билан бирга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

И. Зайнитдинов фотоси.

Партия XXII съезди муҳокамасига КПСС Программаси проекти билан бирга, партиямиз Устави проекти ҳам тақдим этилмоқда. Коммунистик партия коммунизм қуришда ўз фаолиятида амал қиладиган бу ҳар иккала ҳужжат ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжатларидир.

Коммунистик жамият қуришнинг улуғвор вазифалари Коммунистик партия олдига янги, энг юксак талаблар қўймоқда. Партиянинг ўзининг ривожланишидаги, унинг сиёсий, идеологик ва ташкилий ишларининг ривожланишидаги янги, янада юқорироқ босқич ана шу вазифаларга мос келади. Партия совет халқининг йўлбошчилиги ролини ўз революцион назарияси, тўғри юритаётган сиёсати билан ҳамда юксак ташкилот сифатида ҳам баҳармоқда В. И. Ленин бундай деган эди: «Партия — синфнинг онгли, илғор қатламидир, унинг авангардидир. Бу авангардининг кучи унинг сонига қараганда 10.100 карра ва ундан ҳам зўррокдир.

Шундай бўлиши мумкинми? Юзларнинг кучи мингларнинг кучидан ортиқ бўлиши мумкинми?

Агар юзлар ташкил этилган бўлса, ортиқ бўлиши мумкин ва ортиқ бўлади.

Ташкилот кучи ўн карра ошлади».

Ташкилотчилик иши — социалистик революциянинг, социализм ва коммунизм қуришнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам партиямиз Ленин раҳбарлигида ўз ташкилотини доим такомиллаштира борди ва ленинча ташкилий принциплар партиянинг бузилмас негизи бўлиб қолди

Партиямиз тарихига назар ташласак, партия Устави партиянинг қудратли ташкилий қуроли сифатида унинг II, III, IV, V, VI, XIV, XVII, XVIII, XIX съездларида ва партия конференцияларида қараб чиқилганини ва ҳар сафар унга партия ишининг конкрет вазияти ва шароитларига қараб зарур ўзгартишлар киритилганини кўрамиз. Партиянинг VIII, IX, X, XI, XII, XV съездларида партия тузилиши юзасидан резолюциялар қабул қилинди. КПССнинг 1956 йилда бўлиб ўтган XX съезди ҳам партия Уставига баъзи ўзгартишлар киритдики, буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди.

Партиямиз назарий масалалардаги сингари ташкилий масалаларда ҳам ижодий марксизмга асосланади. Партия ўз олдида турган тарихий вазифаларнинг янги шароитларига қараб, ленинизмнинг назарий ва ташкилий принципларига асосланиб, ўз иш методларини назарий жиҳатдан бойитади. Шунинг учун ҳам партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар шунчаки ўзгартишлар бўлмай, у жуда принципиал аҳамиятга эгадир. Партиянинг тактикаси ва айниқса стратегиясига киритилган ҳар қандай ўзгариш партия Уставига ҳам тегишли ўзгартишлар киритиш зарурлигини талаб қилади. Бу табиийдир. Чунки Устав партия амалий фаолиятининг, унинг асосий йўл кўрсатувчи қоидаларининг, омма ўртасидаги ишларининг услубини белгилаб беради.

Партия Устави нима?

Партия Устави партия тузилишининг, унинг амалий фаолияти, ташкилий формалари услубининг, партия ички ҳаёти, унинг омма орасидаги, давлат миқёсидаги ишлари асосий раҳбар қоидаларининг илмий жиҳатдан асосланган қисқача баёнидир.

Партия янги Уставининг проектини ўрганар эканмиз, у партия ва унинг ташкилий принциплари тўғрисидаги ленинча ғояларнинг мустаҳкам асосига қурилганлигини кўрамиз. Уставда партия ташкилий тузилишининг, танқид ва ўз-ўзини танқид ҳамда партия сафларининг монолит бирлигини сақлашнинг раҳбар принципи бўлган демократик централизм ўзининг тўла ифодасини топган.

Партия Уставининг проектида янги тарихий шароитда партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот ривожлантирилган, большевизмнинг ташкилий фани янги босқичга кўтарилган, халқаро коммунистик ҳаракатнинг назарий арсенали бойитилган. Партия коммунизм қураётган совет халқининг илғор отряди эканлиги тўғрисида КПСС Программасида баён қилинган энг муҳим қоидалар Устав проектида ҳам ўзининг конкрет ифодасини топган.

Ленин ишчилар синфининг илғор отряди сифатида асослаб берган партиямиз кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди, СССРда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва пролетариат диктатураси ўрнатилишини таъминлади. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда эксплуататор синфлар тугатилди, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги вужудга келди ва мустаҳкамланди ҳамда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Партиямиз, ишчилар синфининг партияси эндликда бутун совет халқининг партияси бўлиб қолди.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, — дейилади КПСС Уставининг проектида, — совет халқининг — СССР ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва интеллигенциясининг илғор, энг онгли қисмини ихтиёрий асосларда бирлаштирувчи жанговар синалган авангардидир».

Партия янги Уставининг проектида партия тўғрисида қисқача таъриф берилиши билан бирга, у босиб ўтган йўл ҳам қисқача баён этилган. Шу билан бирга, Устав проектида мамлакатимизда партиянинг роли, партияга кимлар ва қандай тартибда қабул қилиниши, партия аъзосининг ҳуқуқ ва вазифалари нималардан иборат эканлиги, партиянинг бошланғич партия ташкилотидан тортиб, то Марказий Комитет ва съездгача тузилиши, партия жамоат ва давлат ташкилотларига раҳбарликни қандай амалга ошириши кўрсатиб берилган.

Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда коммунистларнинг роли ва жавобгарлиги янада кўпроқ ортмоқда. В. И. Ленининг партия II съезди минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзлари бундан 58 йил илгари қандай жаранглаган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай жарангламоқда: «Биз, — деган эди В И. Ленин, — партия аъзоси деган номни ва аҳамиятини юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим».

Қаҳрамон совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида оламшумул тарихий вазифани амалга оширмоқда: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашмоқда. Коммунист бу ишда ташаббускор бўлиши керак. Коммунист ўзи аъло даражада меҳнат қилибгина қолмай, балки бошқаларни, ўз ўртоқларини олга томон бошлаб бормоғи, ўз бурчига коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоғи зарур. Коммунист партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиши керак.

Партия ўз Уставида партияга аъзоликнинг ленинча ғоясини сақлаб қолди «Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади». КПСС янги Устави биринчи параграфидаги бу формулировка партиянинг ташкилий жиҳатдан яхлитлиги ва ҳар бир партия аъзоси партия ташкилотларидан бирида туриши шартлиги тўғрисидаги ленинча қоидага тўла равишда асосланади. Фақат шундай шароитдагина ҳамма партия аъзоларини марксизм-ленинизм руҳида ва юксак интизомлилик руҳида тарбиялаш, партиянинг унинг ҳар бир аъзоси иши устидан контроль қилиши ва тегишлича раҳбарлик қилиши таъминланади.

Маълумки, партиянинг II съездида Мартов ва унинг маслакдошлари партия Устави биринчи параграфининг мана шу бирдан-бир тўғри формулировкасига қарши чиқиб, II Интернационалнинг социал-демократик партияларида қабул қилинган «Эшикни катта очиб қўйиш» сиёсатига қаттиқ ёпишиб олдилар. «Эшикни катта очиб қўйиш» сиёсати ишчилар синфи партия ташкилотларининг мустаҳкамлиги ва саботлилигини заиф қилиб қўяр эди

Партиянинг 1905 йилда бўлиб ўтган III съезди Уставнинг Мартов формулировкасидаги биринчи параграфини бекор қилди ва унинг ўрнига Ленининг формулировкасини қабул қилди. Шундай қилиб, ленинча ташкилий принципларнинг энг муҳимларидан бири партия Уставида мустаҳкам сақлаб қолинди. Бу принцип КПСС янги Уставининг проектида ҳам ўз ифодасини топди. Энг муҳими шундаки, партияга коммунизм қурилишида актив қатнашувчи кишигина аъзо бўла олади. Программа билан бир қаторда партия Уставини эътироф қилиш партияга аъзоликнинг зарур шартларидан биридир.

Партия янги Уставининг проектида партия ички демократиясини янада ривожлантиришга жуда катта эътибор берилган. Партиянинг сайлаб қўйиладиган барча органлари составини — бошланғич партия ташкилотларидан тортиб Марказий Комитетгача — муайян пропорцияларда системали суратда янгилаб туриш кўзда тутилган. Бундай янгилаб туриш раҳбарликнинг ижодийлигини таъминлайдиган қилиб амалга оширилади. Устав проектида айтилганича, раҳбар органга сайланган коммунист ўзига коммунистларнинг кўрсатган ишончини бутун фаолияти билан оқлаши керак.

Партия ҳаёти ва коллектив раҳбарликнинг ленинча нормаларига оғишмай амал қилиш партиявий раҳбарликнинг олий принципидир. Бу принципга сўзсиз риоя қилиш партия ташкилотларининг нормал иш олиб боришларини, кадрларни тўғри тарбиялашларни ва коммунистларнинг активлиги ҳамда ташаббусини тўғри кучайтириб боришларини таъминлайди. Устав проектида коллектив раҳбарлик ходимларни топшириган иш учун шахсий жавобгарликдан халос қилмаслиги таъкидлаб ўтилади.

Бошланғич партия ташкилоти партиямизнинг асосидир. Ҳар бир коммунист партиянинг у ёки бу бошланғич ташкилоти ҳисобида туради Шунинг учун ҳам ҳамма коммунистлар бошланғич партия ташкилотларининг вазифа ҳамда бурчлари нимадан иборат эканлигини билишлари жуда муҳимдир. Устав проектида айтилишича, партия ташкилоти шунга эришмоғи керакки, ҳар бир коммунист ўзининг бутун ҳаёти ва ишида партия Программасида баён қилингган аҳлоқ принципларига — коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат, фидокорона меҳнат қилиш, ижтимоий мулкни сақлаш ва уни кўпайтириш тўғрисида гамхўрлик қилиш, коллективлик ва бир-бирига ўртоқларча ўзаро ёрдам бериш, ҳалол ва ростгўй бўлиш, Совет Иттифоқи барча халқларининг дўстлиги принципларига шахсан амал қилсин ва бу фазилатларни меҳнаткашларга сингдирсин.

Партия Устави проектида партиянинг бутун ички ҳаёти ва барча ташкилий асослари ифода қилиб берилган. Устав — партия ҳаётининг асоси бўлиб, барча коммунистлар, барча партия ташкилотлари сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган қонундир. Бу қонунга қатъий амал қилиш ягона план асосида иш олиб боришни таъминлайди, барча коммунистларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари учун шароит яратади. Бусиз Коммунистик партия совет халқининг раҳбари ва йўлбошчиси ролини бажара олмаган бўлур эди.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши бутун жаҳон социалистик системаси манфаатларига, халқаро пролетариат ва бутун инсониятнинг манфаатларига мос келади. КПСС интернационал курашнинг олдинги сафларида бориб, социалистик революциянинг, социализм ва коммунизм қурилишининг катта ва мураккаб масалаларини биринчи бўлиб ҳар тарафлама ишлаб чиқди. Ленинчи партиямизнинг фаолияти, унинг Программаси ва Устави чет эллардаги барча коммунистик ва ишчи партиялар учун илҳомбахш намунадир.

Халқ демократияси мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг партия тузилиши учун партиямизнинг ташкилий принципларини асос қилиб олиниши. Коммунистик ва ишчи партияларининг Уставларида партияга аъзоликнинг ленинча шартлари, демократик централизм, бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи эканлиги ўз ифодасини топган. Улуғ В. И. Ленин ишлаб чиққан ташкилий принципларнинг амалга оширилиши халқ демократияси мамлакатларининг ички партиялари томонидан социалистик қурилиш ишига раҳбарлик қилишда муваффақиятлар қозонишни таъминламоқда.

Шунинг учун ҳам КПССнинг янги Программаси ва Устави проектларини чет эл коммунистик партиялари ғоят катта эътибор билан кутиб олдилар. Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси КПСС янги Уставининг проектини шарҳлаб, «у Ленин идеялари билан суғорилган» деб ёзди. Газетанинг таъкидлашича, бу ҳужжат халқаро коммунистик ишчилар ҳаракати учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. «Юманите» газетаси ҳам КПСС янги Устави проектининг батафсил баёнини эълон қилиш билан бирга кўпгина мақолалар босиб чиқармоқда.

Мамлакатимиз коммунистларининг кўп миллионли армияси КПСС Программаси ва Устави проектини бенихоя зўр қизиқиш ва руҳланиш билан ўрганмоқда. Республикамизда партия Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган партия йиғилишлари бутун Совет Иттифоқидаги барча коммунистлар сингари Ўзбекистон коммунистлари ҳам партиямизнинг бу ҳужжатларини якдиллик билан маъқуллаётганликларидан далолат беради.

Барча коммунистик ва ишчи партияларнинг қизғин муҳаббат ва зўр иззат-ҳурматига сазовор бўлган шонли ленинчи партиямиз ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети теварагида монолитдек мустаҳкам жипслашган ҳолда ўзининг тарихий XXII съездини кутиб олмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати.

РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

(АМУДАРЁ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Қорақалпоғистон АССР, Амударё район партия ташкилоти икки конференция орасида сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди . Партия ташкилотлари коммунистлар ва партиясизлар оммасининг куч ва ғайрати, билим ва тажрибасини мамлакатимизда социалистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга сафарбар этишда бой тажриба тўпладилар.

Район партия конференциясида ана шу ижобий фикрлар фактлар ва мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди. Конференцияда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Қ. Камолов, райком секретари С. Абдухолиқов ўртоқлар КПСС Программаси ва Устави проектлари ҳақида доклад қилдилар. Музокарада қатнашган делегатлар бу тарихий ҳужжатларни мамлакатимизда коммунизм қурилиши программаси деб атадилар. Конференция Программа ва Устав проектларини бир оғиздан маъқуллаб қарор қабул қилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Восиқов конференцияда район партия ташкилотининг фаолияти ҳақида ҳисоб берди. Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар район меҳнаткашлари пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни комплекс ривожлантиришда эришилган ютуқларни таъкидлаб ўтиш билан кўпроқ навбатдаги вазифаларга тўхталдилар. Конференцияда қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштиришда кўзбўямачиликка йўл қўйган колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди.

Бердах номли совхознинг собиқ директори Ч. Қаниметов кадрларни танлашда ленинча принципни бузган У ошна-оғайнилари, ўзига хушомадгўй кишиларни атрофига тўплаб, чорва маҳсулотлари етиштиришда кўзбўямачилик қилган. Масалан, совхозда 200 бош қорамол, 1377 бош қўй етишмагани ҳолда чорва моллари туёқ боши ҳисобига кўпайтириш плани бажарилди, деб рапорт берган. Колхозлараро бўрдоқичилик базаси, заготскот тайёрлаш конторасининг собиқ раҳбарлари Қурбонов, Донибоев, Урусбоев ўртоқлар хусусий бойлик орттириш йўлида давлат омборига кўз олайтирганлар. «Ленинизм» колхозининг раиси Абдуллаев 150 минг литр согиб олинмаган сутни чўчқаларга ичирилди, деб акт туздириб жиноятга йўл қўйган.

Бундай ҳунук ҳолларнинг рўй беришига сабаб шуки, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари кадрларни ростгўйлик, талабчанлик руҳида тарбиялашга етарли эътибор бермаган, партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилмаган. Район прокурори Тўлаганов, милиция бўлимининг бошлиғи Сафаров ўртоқлар алдамчи, кўзбўямачи, давлат интизомини бузаётган кишиларни жиноий жавобгарликка тортиш ўрнига муросасозлик қилган.

— Район партия комитети, — деди делегат О. Камолова, — хотин-қизлардан раҳбар кадрлар етиштиришга эътибор бермаяпти. Бу ҳақда райкомнинг бюро мажлислари, пленумларида жуда кўп гапирилса ҳам райком секретарлари ундан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Колхозимизда Жума Жуманиёзова деган аёл бригадир бўлиб ишларди. У правление ва партия ташкилотининг топшириғини яхши бажарарди. Бироқ, орздан қисқа вақт ўтгач, Жуманиёзова вазифасидан четлаштирилди. Мен билан бирга 40 қиз механизация мактабини битириб чиқди. Лекин уларнинг тақдири билан ҳеч ким қизиқмади. Шундай бўлгач район партия комитетининг раҳбарлари хотин-қизлардан раҳбар ходимлар етиштиришга яхши эътибор бераяптилар, деб бўладими?

«Коммунизм» колхозининг раиси делегат Г. Изимбетов колхозлараро қурилишни кучайтириш, бўрдоқичилик пункти ишини яхшилаш масалаларига тўхталди.

Конференция муҳокама қилинган масала юзасидан резолюция қабул қилди.

* * *

Район партия комитетининг қилий пленуми бўлиб ўтди. [illegible]нум Ф. Восиқовни райком биринчи секретари қилиб. С. [illegible] духолиқов ва Т. Туримбетов[illegible]ларни райком секретарл[illegible]либ сайлади.

С. ИБРОҲИ[illegible]
Р. ЕШИМБ[illegible]

ЖАМОАТЧИ ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири) Область партия комитетининг пропаганда в агитация бўлими шаҳар, район партия комитетлари штатсиз лекторларининг икки кунлик семинарини ўтказди. Семинарда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия олий мактаби сиёсий иқтисод кафедраси мудирининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати В. Г. Лопаткиннинг «КПСС Программаси социалистик ижтимоий муносабатларнинг аста-секин коммунистик ижтимоий муносабатларга айлана бориши тўғрисида», Ўзбекистон КП Марказий Комитети лекторлар группасининг раҳбари Е. Блокнинг «Халқаро аҳвол ҳақида», область партия комитетининг секретари Н. Қаландаровнинг «Коммунизм қуриш Программаси» деган темалардаги докладлари тингланди.

ХОРАЗМДА МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК СУСТ

Хоразмликлар етти йилликнинг иккинчи йилида социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб, давлат омборига 265 минг тонна «оқ олтин» тўккан эдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 47 минг тоннаси агрегатлар ёрдамида териб олинди. Ўнлаб механик-ҳайдовчилар машиналарнинг юксак унуми билан ишлашига эришдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари О. Дўсова, М. Қурбонова, орденли Л. Қурбонова каби кўпгина механик-ҳайдовчилар мавсумда ўз агрегатларининг бункерларидан хирмонларга 150-200 тоннадан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бўлишди.

Бултурги муваффақият ва заҳарлардан руҳланган область меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилида Ватанга 265 минг тонна пахта топшириш, 37 минг гектар майдондаги ҳосилни машинада териб, агрегатлар билан йиғиб олиналиган пахтанинг умумий ҳажмини 50 минг тоннага етказиш мажбуриятини олган эдилар. Афсуски, бу ерда янги ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Айниқса терим агрегатларини мавсумга шайлаш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилибди.

Бу йилги мавсумда область пахта далаларида 650 га яқин терим агрегатлари ишлаши керак. Шуларнинг 489 таси ремонт талаб машиналардир. Ҳозиргача ремонт қилиниши керак бўлган бу агрегатларнинг энди ярмидан сал кўпроғи теримга тахт. холос. Ўнлаб агрегатларга ҳалигача қўл урилганг йўқ. 274«СХМ-48М» маркали 200 таси, «ХВС-1,2» дан 149 тасигина техника назоратидан ўтказилди. Гурлан ва Урганч районларида техниканинг қадр-қиймати назар-эътибордан четда қолиб кетяпти. Ҳозир бу районлар пахта териш ва кўрак тозалаш машиналарини ремонт қилиш жиҳатидан областда энг кейинги ўринларда судралиб қолмоқдалар.

Машина билан пахта теришга тайёргарлик айниқса Урганч районидаги колхозларда ёмон ташкил этилган. Район пахтакорлари бу йил областда энг кўп — 8 минг тоннадан эзёд ҳосилни машинада териб олишни планлаштирганлар. Бу ерда 94 та пахта териш агрегатидан энди 26 таси ремонт қилинди. Буларнинг ҳам айрим нуқсонлари бор.

«Сталинград» ва Калинин номли колхозларда пахта териш машиналарининг ремонти билан ҳеч ким шуғулланмайди. Бу колхозларда ғўза машинага мослаб ўстирилмади. Айрим участкалар ҳалигача ҳам бегона ўтлардан тозаланган эмас. Механик-ҳайдовчилар пахта териш учун ажратилган далаларни билмайдилар. «Сталинград» колхозида 6 та пахта териш ва 6 та кўсак чувиш машиналаридан энди 2 таси ремонт қилинибди.

Калинин номли колхозда ҳукм сураётган аҳвол ҳам кишини жуда ачинтиради. Хўжаликдаги 4 та «СХМ-48М» нинг биттаси ҳам ҳалигача ремонт қилинмай ётибди. Шунингдек, бу ерда 2 та «ХВС-1,2»нинг ремонти тугалланмаган. Колхозларнинг раислари — Матвафо Юсупов ва Худойберган Сотипов ўртоқлар бу муҳим масалага панжа орасидан қараб, терим агрегатлари ремонтини тезлатиш ва мавсумга шай қилиб қўйишни ўйламаётирлар.

«Ўзсельхозтехника»нинг район бўлимига қарашли Янгибозор устахонасига колхозлардан 16 та «СХМ-48М» ва 29 та «ХВС-1,2» маркали машиналар келтирилиб ремонт қилиниши ва техника назоратидан ўтказилиши керак эди. Лекин, баъзи колхоз раҳбарларининг айби билан бу машиналарнинг ярми ҳалигача ремонт устахонасига келтирилмади. Устахона раҳбарлари (директори М. Раҳмонов, бош инженер Р. Эгамбергенов, партия ташкилотининг секретарлари Р. Муҳаммаджонова ва Ж. Полвонов ўртоқлар) ҳам бепарволик қиляптилар. Шунингдек, район партия комитети секретари ўртоқ Р. Ғойибовнинг пахтани машинада теришга тайёрлик кўришидаги бундай қолоқликка хотиржам қараши кечирилмас бир ҳолдир.

Областнинг Ҳазорасп, Хева ва бошқа районларида ҳам аҳвол яхши эмас. Ҳазораспда 50 та терим агрегатидан энди 24 таси ремонт қилинган. Карл Маркс номли ва «Ленин йўли» колхозларида эса машинада пахта теришга тайёргарлик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилибди. Гурлан районида теримга тахт дейилган агрегатлар 60 процент. холос. Шунингдек ҳам мутлақо эътибордан четда қолаётир. 1013 сушилкадан 54 таси ремонт қилинган. холос. Қўшкўпир районида 156 та, Урганч районида 191 та, Ҳазорасп районида эса 118 та сушилкадан ақалли биттаси ҳам ремонт қилинмаган.

Областнинг пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларида янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарлик суст борялти. Бу борада ҳам Ҳазорасп районини тилга олмай ўтиб бўлмайди. Бу ерда пахта тозалаш заводи ва заводга қарашли тайёрлаш пунктларида 60 та ғарамлаш майдонларидан энди 4 таси тайёр. Хонқа пахта тозалаш заводида қурилиши лозим бўлган 10 та янги майдондан 5 тасигина янги ҳосилни ғарамлашга тахт қилинди. 3 та транспортёр тузатилмай турибди.

Умуман Хоразм области пахта йиғим-теримига тўла шай эмас. Бу ерда терим агрегатларининг ремонти ва янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарлик чўзиб юборилаётир.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

БУГУН ПАХТА ФРОНТИДА

Қўриқ ерларнинг „оқ олтини"

ЯНГИЕР. Мирзачўлдаги «Фарход» ва «Дружба» совхозлари янги пахта ҳосилининг дастлабки 30 тоннасини тайёрлов пунктига келтирдилар.

«Дружба» совхозидаги Абдуқаҳҳор Абдувоҳидов бригадаси теримда энг яхши натижаларга эришмоқда. Бригада ҳозирданоқ йиллик планнинг тўрт процента миқдорида пахта топширди. Қўриқ ерларнинг деҳқонлари партия съезди шарафига етти йиллик учинчи йили планини 10 октябрда бажаришга аҳд қилдилар. Шу кунларда ҳамма ишчилар пахта териб, нормани бир ярим ҳисса бажармоқда.

Соатлик график асосида ишламоқдалар

САРИОСИЕ. «Ленинград» колхозининг З. Қурбонов бошлиқ бригадасидаги пайкаллар қуёшдан нур эмиб, оппоқ чаманзорга айланиб бормоқда.

Бригадада 55 колхозчи пахта термоқда. Улар икки группага бирлаштирилган. Биринчи группа сифатсиз пахтани биринчи сорт пахтага аралаштирмаслик учун алоҳида териб олмоқда. Иккинчи группа етилган пахтани термоқда.

Теримда соатлик график жорий қилинди.

Пахта асфальт майдончада қуритилади

ВОРОШИЛОВО. Ворошилов районидаги колхозларда пахтани офтобда ёйиб қуритиш учун 140 та асфальт хирмонжой қуриш тугалланмоқда. Кўпгина колхозларда майдони 1-1,5 минг квадрат метрдан иборат бўлган марказий хирмонлар вужудга келтирилди. Бу хирмонларда пахта тез қуритилиб, пунктга жўнатилади. Шундай хирмонлар, масалан, Сталин номли колхозда ва «Ойим» совхозида қурилди.

Асфальт майдончалар қуриш хўжаликларга йўлларда ва лойсувоқ хирмон жойларда пахта қуритишдан воз кечиш имконини берди.

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

Самад Худойқулов бошлиқ бригаданинг теримчилари Пастдарғом районидаги Калинин номли колхозда тонгги ҳаммадан илгари қаршилаб олишади.

Комсомол аъзолари опа-сингил Муҳтарам ва Шафоат Тармашеваларнинг этаги пахтага тез тўлади. Қизлар кунлик топшириқни тушки овқатгача бажариб қўйишади. Кечқурунгача эса яна бир нормадан пахта теришади. Ёш колхозчилардан Гулсара Қорабоева билан Хосият Эсоновалар мохирлик билан кўп пахта теришга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 80 килограммдан пахта термоқда.

(ЎзТАГ).

Суратларда: Поп районидаги «Правда» колхози далаларида ҳар куни 180-200 килограммдан пахта тераётган Меҳмонча МАМАДАЛИЕВА (ўнгда). Меҳмонча мавсумда 16 тонна пахта териш мажбуриятини олган, ҳозирнинг ўзидаёқ 2 тоннага яқин пахта терди. Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг илғор теримчилари Р. ШОМОНОВА ва Ҳ. УТАЛИЕВА ўртоқлар мавсумда 15 тоннадан пахта териш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун самарали ишлаб, ҳар куни хирмонга 150-200 килограммдан пахта тўкишмоқда.

М. ГАРИПОВ, Н. ТУРАЕВ фотолари.

Ғўза баргини вақтида ва сифатли тўктирайлик

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Бу йил республикамизда камида 600 минг тонна пахта машиналарда териб олиниши керак. Далаларда ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ турли маркалардаги терим агрегатлари ишлайди. Машиналарнинг пайкалларда равон юриши ҳосилни машинада теришга олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Терим агрегатларининг ҳамласини дала ишларига сифатли тахт қилиб қўйиш, машиналар ўтадиган ва айланадиган жойларни яхшилаб текислаш, механизмларни ҳосилни қоп-қанорсиз ташишга мослаштириш талаб этилади.

Ғўза баргларини сунъий равишда яхшилаб тўктириш пахтани машиналарда теришнинг муваффақиятини ҳал қилади. Барг гузук тўктирилмаган участкаларда машиналар яхши юролмайди. пахта тоза терилмайди, кўплаб тўкилиб кетади. Чунки барг шпинделларга тиқилиб қолиб, агрегатларнинг юришига ҳалақит беради. Барглари дорилаш йўли билан тўктириш пахтанинг тез ва кўплаб очилишига шароит яратади.

Маълумки, барглар ғўзанинг фойдасиз, ялқов шохларининг ривожланишига ёрдам беради. Бунинг натижасида кўсаклар иссиқлик ва ёруғликдан яхши баҳра олмайди. Фойдасиз шохлар ортиқча ўсиб кетса, ҳавонинг димлиги ва намлиги ортади. Бу эса кўсакларнинг тез ва яхши очилмаслигига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун ғўза баргларини дори пуркаш ва чанглаш орқали яхшилаб тўктириш талаб қилинади.

Илғорлар тажрибаси ва агротехника фани ютуқлари ғўза баргини вақтида тўктиришнинг иқтисодий аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатди. **Ғўза барги сунъий тўктирилган майдонларда биринчи сорт пахта 5-6 процент кўпроқ олинади, машинанинг иш унуми 18-20 процент ортади, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ишини анча енгиллаштиради.** Шунинг учун ҳам ғўза баргини тўктириш жуда муҳимдир.

Барглари яхши тўктириш учун дориворларни ишлата билиш, ҳар бир участканинг шароитини яхши ҳисобга олган ҳолда иш кўриш керак бўлади. Шабнам яхши тушадиган районларда ғўза барглари сунъий усулда тўктириш учун цианамид кальцийни кремний фториста натрий билан аралаштириб чангланса яхши натижа беради. Шабнам тушмайдиган районларда эса хлорат магний ва хлорат-хлорид кальций дориворлари суюқ ҳолда пуркалади.

Дориворлар ўз вақтида пуркалган тақдирдагина ғўза баргига яхши таъсир қилади. Цианамид кальций дориворини шудринг тушган пайтларда, яъни эрталаб чанглаш керак. Бу дориворнинг чангланганда ғўза барглари ҳужайраларига яхши сингади ва ҳавонинг таъсири билан тез кучаяди. Натижада барглар ўз оғирлигини кўтаролмай тўкилиб кетади. Цианамид кальций шудринг тушган вақтда пуркалган ғўзалар бир ҳафта мобайнида барглари тўка бошлайди. 10-12 кундан кейин эса барг деярли қолмайди.

Кеч амалга кирган, яхши етилмаган ғўзаларни цианамид кальций ва хлорат магний билан чанглаш ярамайди. Чунки бу дориворлар яхши очилмаган ва ёш кўсакларга салбий таъсир қилади. Шунинг учун кўсаклари тўла етилган ва яхши очилган участкалардаги ғўза барглариига дори пуркаш ҳамда чанглаш талаб этилади. Бу йилги шароитда ғўза баргларини сунъий усулда тўктириш ишлари ҳар йилдагидан ҳам эрта бошланади. Олимлар дориворларни пуркаш ва чанглашга сентябрь ойининг бошларидаёқ киришиш зарурлигини айтмоқдалар.

Илғор колхоз ва совхозлар ўтган йили ғўза баргини вақтида тўктириб, сентябрь ойи ўртасидаёқ пахта териш машиналарини ишга тушириб юбордилар. **Юқори Чирчиқ районидаги хўжаликлар барглнинг сифатли тўктирилишини таъминлаб, ҳамма терим машинасининг унумли ишлашига эришдилар. Натижада районда ҳосилнинг асосий қисми совуқ тушгунча йиғиштириб олинди ва машина терими плани муваффақиятли бажарилди.** Ғўза баргининг ўз вақтида ва сифатли тўктирилишини таъминлаган хўжаликларнинг бу йил ҳам шундай катта ютуқларга эришишларига ҳеч шубҳа йўқ.

Ғўза баргини тўктиришни албатта табақалаштирилган ҳолда ўтказиш керак. **Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг шимолий районларидан бошқа ҳамма жойда ҳар бир туп ғўзада икки-учтадан, совуқ эртароқ тушадиган районларда эса бир-иккитадан кўсак очилгандан кейин дорилашга киришиш тавсия этилади.** Самарқанд областининг жанубий-ғарбий районларидаги хўжаликларда — Иштиҳон, Норпой, Жиззах, Каттақўрғон, Пахтакор районларида кўпчилик ғўзада учтадан, бу областнинг қолган районларида иккитадан кўсак очилгандан кейин дорилаш мумкин. Қорақалпоғистон АССРнинг жанубий районларида ҳам икки-учтадан, шимолий районларда бир-иккитадан кўсак очилгач дорилай бошлаш керак.

Бу йил дори пуркаш ва чанглашда самолётлардан кенг қўлланда фойдаланилади. Самолётларнинг унумли ишлаши учун улар ёрдамида дори пуркашга пухта ҳозирлик кўриб қўйиш зарур. Самолётлар қўнадиган майдончалар пахтазорлардан 4-5 километр узоқликда бўлиши керак. Шундай қилинганда самолётларнинг иши баракали бўлади, ҳар бир самолёт билан кунда 125-150 гектар ердаги ғўзани чанглаш ёки 250 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ердаги ғўзани пуркаш имконияти туғилади.

Ғўза баргларига самолётлар ёрдамида дори пуркаш ва чанглаш ишларини тўғри уюштириш учун сигналчилар тайинлаш, уларнинг ишини пухта ташкил этиш керак. Ҳаво иссиқ вақтда ва шамол бўлган пайтда ғўза баргларига самолётларда дори пуркаш ярамайди. Шамол дориворларнинг ғўза баргига бир текисда пуркалишига имкон бермайди. иссиқ ҳаво дориворнинг баргларга таъсирини камайтиради. Натижада барглар яхши тўкилмайди. меҳнат зое кетади. Шу сабабли дори пуркашни барвақт бошлаб. соат 11-12 гача, чанглашни соат 8,5 гача, кечқурун эса соат 20 гача тамомлаш керак.

Республикамиздаги тажрибанамуна хўжаликлари пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бошқа хўжаликларга чинакам ўрнак бўлдилар. Уларнинг ҳосилни машинада теришга тайёргарлик кўришда. айниқса ғўза баргларига дори пуркашда ҳам чамуна бўлишларига ҳеч шубҳа йўқ. Илғорларнинг яхши иш тажрибаларини кенг оммалаштириш, шу йўл билан дори пуркаш ва чанглаш ишларининг ҳамма хўжаликларда намунали ташкил этилишига эришиш керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияларининг ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари дорилашни намунали ўтказишда колхоз ва совхозларга яқиндан ёрдам беришга даъват этилганлар.

Дориворлар анча заҳарли, цианамид кальций ва бошқа дориворлар молларга, айниқса паррандаларга зарар етказиши мумкин. Шунга кўра эҳтиёт чораларини олдиндан кўриш, аҳолини дори чангланишидан бир неча кун олдин огоҳлантириб қўйиш лозим. Шу билан бирга, дори чанглаш ва пуркашда ишлайдиган механизаторларни махсус кийимлар билан етарли таъминлаш зарур. Дорилаш ишларини ўтказишда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан ишлаб чиқилган қўлланмага тўла амал қилиш керак. Бундай қўлланмалар ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадаларда бор.

Ҳосилни машинада териш пахтачиликда техникани тараққий эттиришга, машаққатли қўл меҳнатини енгиллаштиришга, ишни жадаллаштиришга, деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган ғоят муҳим тадбирдир. Бу энг муҳим кампанияни муваффақиятли ўтказиш учун ғўза барглариии ўз вақтида ва юқори сифатли тўктирилишини таъминлайди.

С. ҚАЮМОВ,
биология фанлари кандидати.

Б. МАҲМУДОВ,
агроном.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЎҒИРЛИК ВА КЎЗБЎЯМАЧИЛИК»

Газетамизнинг 8 июль сонида шу сарлавҳа остида босилган мақолада Фарғона азот-ўғит заводи қурилишида юз бераётган катта камчиликлар, қалбакичилик, ўғирлик ва кўзбўямачиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи ўртоқ К. Курбонов газета танқиди тўғрисида редакцияга хабар қилди.

Азот-ўғит заводи қурилиши масаласи министрликнинг коллегия мажлисида кенг муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар асосан тўғри деб топилди.

5-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ўразов ўз ишига яхши эътибор бермаганлиги, қурилиш материалларининг талон-торож қилинишига, қалбакичиликка йўл қўйганлиги учун вазифасидан четлаштирилди. Қурилиш бошқармасининг бош прораби Яковлевнинг ҳатти-ҳаракатлари эса трест жамоатчилиги ўртасида муҳокама қилинди ва у министрликнинг буйруғи билан пастки ишга кўчирилди.

Коллегия азот-ўғит заводи қурилиши ишларини тезлатишга қаратилган қарор қабул қилди ва министрлик бу ҳақда буйруқ чиқарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Фарғона азот-ўғит заводи қурилиши учун керак бўлган материалларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Халқ хўжалиги кенгаши яна 1180 тонна пўлат қувури бериши керак. Бусиз заводни буғ билан таъминлаш масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Бундан ташқари қурилиш ишларини тезлаштириш учун энг зарур бўлган 140 тонна нефть ўтказиш қувури, 1000 квадратметр винипласт, ёпиш арматураси, технология ва вентиляция ускуналарини шу кунгача етказиб бергани йўқ.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР— ҲАР БИР ОИЛАГА!

1 сентябрдан республикамизда марказий республика ҳамда маҳаллий газета ва журналларга обуна қилиш бошланди. Бу йилги обуна қилиш бутун совет кишилари жонажон партиямизнинг шонли XXII съездига қизғин тайёргарлик кўраётган, КПСС янги Программа ва Устави проектларини ишчанлик вазиятида муҳокама қилаётган даврда ўтаётир.

Халқимиз ўз большевистик матбуотини севади, шунинг учун ҳам унинг вақтли матбуотга бўлган қизиқиши кун сайин ортмоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вақтда республикамизда умумий тиражи 2 миллион 960 минг нусхадан ортиқ 166 номда газета ва журнал нашр қилинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар минг кишига 408 нусха газета ва журнал тўғри келади.

Большевистик матбуотни тарқатиш иши фақат алоқа ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай. балки республикадаги барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларининг ҳам муҳим бурчидир. Бу ишга алоқа ходимларидан ташқари шаҳар ва қишлоқлардаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларни жалб қилиш лозим.

Ўтган йили 1961 йил учун обуна қабул қилишда 6304 пункт ва 16101 жамоатчи матбуот тарқатувчи қатнашди. Шу жумладан. қишлоқларда 2600 пункт ва 5 мингга яқин жамоатчи матбуот тарқатувчи шуғулланди. Лекин улар аҳолининг ҳамма қисмини тўла қамраб ололмади.

Масалан, ўтган йили Андижон, Фарғона, Самарқанд областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бир қанча оила обунага жалб қилинмай қолди.

Бу йил ана шундай камчиликларнинг бўлмаслиги учун ҳар бир колхоз ва совхозда. РТС ва саноат корхонасида, қурилиш ташкилотида. ўқув юрти ва маҳаллада бутун аҳолини қамраб оладиган миқдорда обуна қабул қилиш пунктлари ташкил этиш лозим. Бу соҳада Союзпечатнинг Бухоро область бўлими (бошлиғи ўртоқ Маъмуров) яхши ташаббус кўрсатди. Областда бу йил жамоатчи матбуот тарқатувчилар сони 1200 кишига кўпайтирилди.

Лекин жамоатчи матбуот тарқатувчилар сонини кўпайтириш билангина кифояланиб қолмай, улар билан мунтазам ишлаш. Уларга энг яхши жамоатчи матбуот тарқатувчилар тажрибасини ўргатиш зарур. Бундай тажрибали матбуот тарқатувчилар эса республикамизда оз эмас. Масалан, ўртоқ Вершинина Самарқанд областидаги 67-автобазанинг 500 кишилик коллективи орасида 487 нусхада «Автодорожник Узбекистана» газетаси, 413 нусхада «Ҳаракат хавфсизлиги учун» бюллетени, 118 нусхада «Рулда» журнали ва кўп нусхада бошқа ижтимоий-сиёсий газета ва журналларни тарқатди.

Ҳозирги вақтда республикамизда 6,5 минг почтальон, колхозларда эса 2,5 минг почтальон ишлаб турибди. Улар обуначилар билан ҳар кунк, ҳар соатда учрашиб турадилар. уларнинг талабларини ҳаммадан кўра кўпроқ биладилар. Шунинг учун ҳам уларни газета ва журналларга ёзилишга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар бу вазифани бемалол уддалай оладилар.

Хоразм область, Янгиариқ районидаги Нариманов номли колхоз почтальони ўртоқ Собиров ўтган йили мазкур колхоздаги ҳамма оиланинг газета ва журналларга обуна бўлишини таъминлади. Ўз ишини севган бундай почтальонлар республикамизда кўп.

Матбуотни тарқатишда газета ва журналлар тарқатишга ёрдам берувчи кенгашлар ҳам кўп иш қилиши мумкин. Буни Бухоро область, Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда мактаб директори ўртоқ Нажмиддинов раҳбарлик қилаётган кенгаш ишида кўриш бўлади. Колхозда 1960 йил учун 1634 нусха газета ва журналга обуна қабул қилинган бўлса. кенгаш тузилгандан кейин 1961 йили бу рақам 5745 га етди.

Кенгаш аъзолари 1961 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилиш тўғрисида колхоз радиоузели орқали 13 марта тушунтириш тўкзадилар. Икки марта колхозчиларнинг оиласий кечаси бўлиб, унда газета ва журналларга ёзилишнинг аҳамияти тўғрисида колхоз партия бюросининг секретари Шарипов, район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Жумаев ўртоқлар суҳбат ўтказдилар. «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Муштум» ва «Гулхан» журналларининг обуначиси ўртоқ Туева журналларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берди. Ана шундай тадбирлар туфайли колхоздаги ҳамма хонадонлар газета ва журналга обуна бўлди.

Газета ва журналларни аҳоли ўртасида кенг тарқатишда радио, телевидение, матбуот, шунингдек реклама материалларидан кенг фойдаланиш зарур. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги буни ҳисобга олиб, умумий тиражи 20 минг нусхада 2 та плакат, 50 мингдан ортиқ нусхада 7 реклама афишаси ҳамда 400 минг нусхада варақалар чиқарди. Бунда республика ва маҳаллий газеталарда обуна қабул қилиш ҳақида мунтазам равишда эълонлар бериб борилади.

Лекин бу соҳада нўноқлик қилаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Тошкент шаҳри ва областида реклама материаллари олинганидан бери анча вақт ўтганига қарамай, улар тегишли жойларга осиб қўйилмаган. Обуна қабул қилиш ҳақида ходимлар билан инструктаж ўтказилмаган. газета ва журналлар каталоги ўрганилмаган.

1962 йилда чиқадиган газета ва журналларга ёзилишни ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида шу йил август ойида Тошкентда Союзпечать ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги томонидан чақирилган бу кенгашда Союзпечать область бўлими бошлиқларининг ахбороти тинглади. Кенгашда шу нарса аниқландики, Самарқанд областидаги ва Қорақалпоғистон АССРдаги алоқа органларининг кўпчилиги обуна қабул қилишга яхши тайёргарлик кўрмаганлар. Уларда обуна қабул қилиш пунктлари шу вақтгача ташкил қилинган йўқ. Жамоатчи матбуот тарқатувчилар тўпланиб, уларга инструктаж берилмаган. Республика газета ва журналларининг каталоглари йўқ.

Республика Алоқа министрлиги бу камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиш мақсадида министрлик аппаратидан тажрибали ходимлардан бир группасини областларга юборди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Союзпечать органлари маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг актив ёрдамида 1962 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилишни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказадилар ва ҳар бир оиланинг газета ва журналга обуна бўлишини таъминлайдилар. Бу — КПСС янги Программаси проектида совет матбуотини янада юқори босқичга кўтариш ҳақида белгиланган тадбирларнинг шараф билан бажарилишига муносиб ҳиссаси бўлади.

Ю. МУҲАМЕДОВ.
Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Ҳ. Олимжон номидаги адабиётчилар уйида шоир Миртемирнинг 50 ёшга тўлишига бағишланган юбилей кечаси бўлди. Ўзбекистон ёзувчилари союзининг биринчи секретари К. Яшин ўзбек совет шеъриятини юқори поғонага кўтаришда, ўзбек китобхонларини улуғ рус поэзияси билан таништиришда атоқли шоир Миртемирнинг хизматлари катта эканини айтди.

Юбилей кечасида сўзга чиққан О. Шарафиддинов, шоирнинг ҳамкишлоғи Н. Исҳоқов, хитой шоири Лин Юнь ўртоқлар шоирни қизғин табриклаганлар. Қорақалпоқ шоири Т. Жумамуродов шоирга бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди. Рус шоираси С. Сомова Миртемир шеърини ўз таржимасида ўқиди. Шоирнинг ҳамкасблари, С. Азимов, А. Қаҳҳор, И. Султон, Зулфия, А. Мухтор, Ҳ. Ғулом, М. Шайхзода, В. Костиря, М. Юнусов, М. Бобоев ва бошқа ўртоқлар шоир ҳақида энг яхши истакларини, адабиётимизнинг юксалишидаги ролини самимият билан қайд этишди. Қардош адабиёт вакилларидан Миртемир номига келган телеграммалар ўқиб берилди.

ХАЛҚИМИЗ ҚУВОНЧИ

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ

□ □ □

Бундан 16 йил илгари, 1945 йил 2 сентябрда Вьетнам халқи ўртоқ Хо-Ши-Мин бошлиқ Ҳинди-хитой Коммунистик партиясининг доно раҳбарлигида чет эл мустамлакачиларининг оғир зулмини улоқтириб ташлаб, Вьетнам Демократик Республикасини барпо қилди. Бироқ, мустақиллик эълон қилинган биланоқ Вьетнам халқи август революциясининг ғалабаларини сақлаб қолиш учун яна қўлига қурол олишга мажбур бўлди. Франция мустамлакачилари Америка империалистларининг ёрдамига таяниб мамлакатдаги аввалги тартибларни тиклаш ва Вьетнамни қул қилиб олиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Аммо, уларнинг бу ўринсиз беҳуда эди. Вьетнам ватанпарварларининг Дьен-Бьен-Фу ёнида 1954 йил 7 майда эришган тарихий ғалабаси Женевада Ҳинди-хитой юзасидан чақирилган конференциянинг муваффақиятли ўтказилишини таъмин этди. Бу конференция Ҳинди-хитой халқларининг суверенитети, миллий мустақиллиги, бирлиги ва территориал дахлсизлигини эътироф қилиш асосида Ҳинди-хитойда тинчлик ўрнатди. Мамлакатда тинч қурилиш давом эттирилган етти йил мобайнида ғоят катта ўзгаришлар юз берди. Шимолий Вьетнамда миллий индустрия вужудга келтирилди. Мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда бундай миллий индустрияни вужудга келтириш асло мумкин эмас эди. 1960 йилда саноат ва ҳунармандчилик саноатининг ялпи маҳсулоти 1955 йилдагига нисбатан уч баравардан зиёдроқ кўпайди. 1961 йилда эса, у 1960 йилдагига нисбатан 29 процент ортади. Ҳозирги вақтда Вьетнам Демократик Республикаси токарлик ва фрезерлик станокларининг турли хилларини, плуглар, вагонлар, насослар ва шу кабиларни ишлаб чиқаряпти. Енгил саноат, шу жумладан тўқимачилик, озиқ-овқат ва қоғоз саноати муваффақиятли ривожланмоқда.

Мамлакат ҳозирги вақтда аҳолининг Вьетнамнинг ўзида ишлаб чиқарилган кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини 90 процент таъминламоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам жуда катта ўзгаришлар юз берди. Очлик абадий йўқ қилинди. Ҳозирги вақтда шоли етиштириш 5 миллион тоннага етказилди. қолбуки илгари, яъни революциягача 2,4 миллион тонна шоли етиштирилар эди. Чорвачиликда, ўрмон хўжалигида ва техника экинлари етиштиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Маориф соҳасида саводсизлик асосан тугатилди, аввалги таълим системаси қайта қурилди. 1961-1962 ўқув йилида умумий таълим мактабларида 1939 йилдаги 325 минг ўрнига 2 миллион 300 минг бола ўқитилмоқда. Вьетнам Демократик Республикасининг олий ўқув юртларида 17 минг студент ўқимоқда, қолбуки 1939 йилда студентларнинг сони бутун Ҳинди-хитойда 582 киши ҳисобланарди. Халқимиз ўз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ана шундай қувончли муваффақиятларга эришмоқда.

Адабиёт ва санъат ривож топмоқда. Ҳозирги вақтда адабиёт ва санъат Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида социализм қураётган халққа хизмат қилмоқда.

Чечак, вабо ва шу сингари юқумли касалликларга қарши курашда катта ғалабага эришилди. Тропик безгак ва трахома касалликлари аввалгига қараганда жуда ҳам камайиб кетди. Болалар орасида ўлим француз мустамлакачилари ҳукмронлик қилган йиллардагига нисбатан 8 баравар камайди. Даволаш бепул бўлиб, ундан ҳамма фойдаланмоқда.

Экономика ва маданият соҳасида қўлга киритилган бу муваффақиятлар шаҳар билан қишлоқ ўртасида ўрнатилган янги ишлаб чиқариш муносабатларининг самараси бўлди. Хусусий капиталистик савдо ва саноатда, ҳунармандчиликда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда ва майда савдогарларнинг корхоналарида социалистик ўзгартишлар асосан тугалланди. Деҳқонларнинг 88 проценти кооперативларга аъзо бўлиб кирди. Қўлга киритилган муваффақиятлар туфайли Шимолий Вьетнам ўзининг биринчи беш йиллик планини (1961-1965 йиллар учун) бажаришга киришди. Бу план социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда биринчи қадамларни қўйиш, социалистик индустриалаштиришга киришиш ва мамлакатни социалистик негизда қайта қуришни тугаллаш, Шимолий Вьетнамнинг социализм сари забардаст қадамлар билан олға қараб бораверишини давом эттириш мақсадларини ўз олдига қўяди.

СССР, Хитой ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг беғараз кўрсатаётган ёрдами Шимолий Вьетнамда янги ҳаёт қуришда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда; бу ёрдам вьетнамликлар қалбида чуқур мамнуният туйғуларини уйғотди.

Женева конференцияси бўлиб ўтганига етти йил бўлди, мамлакатимиз эса ҳамон икки қисмга бўлинганича колиб келмоқда. Америка империалистлари Женеванинг Ҳинди-хитой юзасидан имзоланган битимларини қўпол равишда бузиб ва Вьетнамни бирлаштиришга қарата умумий сайловлар ўтказишга барча воситалар билан қаршилик кўрсатиб, хоин Нго Динь Дьеннинг диктаторлик режимини ўрнатдилар Улар хоин Нго Динь Дьеннинг диктаторлик режимидан интервенция ва агрессияни амалга ошириш ва Жанубий Вьетнамни янги типдаги мустамлакага ва Американинг ҳарбий базасига айлантириш учун қурол сифатида фойдаланмоқдалар. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамга жуда кўп миқдорда ҳарбий хизматчилар ва қурол-аслаҳалар юбордилар, кўпгина ҳарбий базалар қурдилар Бу билан Жанубий Вьетнамни амалда СЕАТО агрессив блокининг аъзосига айлантирдилар.

Жанубий Вьетнам аҳолиси Америка-Дьем режимига қарши, миллий мустақиллик ва демократик эркинликлар учун, турмуш шароитини яхшилаш ва Женева битимларига мувофиқ ўз Ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун бошлаган ватанпарварлик ҳаракатини ҳозирги вақтда ҳар қачонгига қараганда кучайтирмоқда.

Вьетнам Демократик Республикаси ўзининг ташкил топганидан буён тинчлик ва социал системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини оғишмай ўтказиб келмоқда. Вьетнам Демократик Республикаси социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида, жаҳондаги барча мамлакатлар билан ва биринчи навбатда Осиё ва Африка мамлакатлари билан алоқаларини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

СССРнинг мустамлакачиликнинг ҳар қандай формасини узил-кесил тугатишга, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришишга, ҳарбий блокларни ва ажнабий территориялардаги ҳарбий базаларни тугатишга, чет эл қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини таъминлаш ва шу кабиларга қарата кўрган ғоят катта тадбирларини Вьетнам халқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати қизғин қўллаб қувватламоқдалар.

Германия билан сулҳ шартномаси имзолаш ва Ғарбий Берлин проблемасини бартараф қилиш масаласида СССР ҳукуматининг тутган позициясини биз тўла равишда маъқуллаймиз ва қўллаб қувватлаймиз.

Совет Иттифоқида коммунизм қуриш Программасининг проекти эълон қилинганлигини эшитиб Вьетнам халқи ғоят даражада хурсанд бўлмоқда. 20 йил ичида коммунизм қуришни мўлжаллаётган бу улуғвор Программа бутун инсониятнинг ажойиб орзусини амалга оширади. СССР «Восток-2» космик кемасини учирганлиги ва космонавт Герман Титов планетамиз атрофини 25 соат мобайнида 17 мартадан кўпроқ айланиб чиққандан кейин эсон-омон Ерга қайтиб тушганлигини эшитиб, бутун вьетнам халқи қувонмоқда.

Вьетнам халқи ўзининг Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида, социалистик лагерь мамлакатларининг қардошларча ёрдами билан социализмни муваффақиятли қуришига комил ишонч билан қарайди.

Нгуен ХИУ НГО,
Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили.



Та Са гидроэлектростанциясининг тўғони. **Вьетнам информацион агентлигининг фотоси.**

ЖАҲОНДАГИ ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ ТАЛАБИ: АГРЕССОРЛАР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН!

АҚШда ядро портлатишларига тайёргарлик

НЬЮ-ЙОРК, 31 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги бугун ўз мухбирининг Лос-Анжелосдан юборган хабарини тарқатди. Бу хабарга кўра, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида Женевада музокаралар олиб борилган бир вақтда АҚШ атом комиссияси ядро синовларини янгидан бошлаб юборишга зўр бериб тайёргарлик кўрган.

Лас-Вегасдан шимолдаги синов полигонида. дейилади хабарда, бир неча миля чуқурликда туннеллар қазиб қўйилган. «Навбатма-навбат ўтказиладиган синовлар учун тайинланган ускуналар пойтахтдан сигнал берилиши билан Невадага жўнатилади ва туннелларда жойлаштирилади, шундан кейин Америкада синовлар яна бошлаб юборилади, деб ўйлайдилар».

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 31 август. (ТАСС). Хитой ҳукумати ва халқи СССР ҳукуматининг ядро қуроли экспериментал портлатишларини ўтказиш ҳақидаги қарорини қатъий равишда қўллаб-қувватлайдилар, дейилади Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг бугун бу ерда эълон қилинган баёнотида. Хитой ҳукумати, деб таъкидланади баёнотда, Совет ҳукуматининг бу қарори уруш ол овини ёқувчиларни ҳушига келтирадиган воситадир, деб ўйлайди.

Хитой ҳукумати шу нарсани тантанали суратда билдирадики, Хитой ҳукумати ва халқи бундан буён ҳам Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга бўладилар, бутун дунёдаги тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар билан биргаликда ёппасига қуролсизланишнинг узил-кесил амалга оширилиши учун, ядро қуролини тақиқлаш учун, агрессив урушга қарши ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида охиригача кураш олиб борадилар.

ОҚ УЙНИНГ ИККИ ЮЗЛАМАЧИЛИК БИЛАН БЕРГАН БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН. 31 август. (ТАСС). Оқ уй баёнот эълон қилди. Оқ уй бу баёнотида ядро қуролини экспериментал портлатишларни ўтказиш ҳақида Совет ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор мажбурий характерга эга эканлигини ҳар йўл билан бузиб кўрсатишга уринади.

АҚШ ҳукумати ўз баёнотида НАТО да қатнашувчи мамлакатлар ҳарбий тайёргарликларни кучайтириб юборганликлари, АҚШнинг ҳарбий блоклардаги иттифоқчиси Франция кўп вақтдан буён ядро синовларини ўтказиб келаётганлиги, Қўшма Штатлар зўр бериб қуроллانишни мисли кўрилмаган миқёсларда авж олдириб юборганлиги, ўз армиясининг сонини кўпайтираётганлиги, Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси тузилишига жавобан АҚШ ва унинг иттифоқчилари уруш бошлаш ҳақида дўқ ураётганлиги тўғрисида оғиз ҳам очмайди ҳамда Совет ҳукуматининг юз миллионлаб кишилар бошига тушадиган фалокатнинг, яъни учинчи жаҳон урушининг олдини олишга ва ҳарбий васваса ташаббускорларини ҳушёрликка чақиришга қаратилган ана шу муҳим тадбири «инсониятнинг зўр бериб қуролланиши сусайтириш йўлидаги интилишини назар-писанд қилмасликдир», деб икки юзламачилик билан даъво қилади.

Бундай даъволар ҳаммага маълум бўлган фактларга тамомила зид даъволардир. Совет давлати ялпи ва батамом қуролсизланишни, ядро қуроли синовларини тўхтатишни биринчи бўлиб баралла ёқлаб чиқди. Совет Иттифоқининг ялпи ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузиш йўлидаги барча ҳаракатларига Қўшма Штатлар бошлиқ Ғарб давлатларининг ўзи ҳамиша тўғаноқ солиб келди.

Шундай қилиб, Оқ уйнинг баёноти Қўшма Штатлар томонидан ҳарбий васваса авж олдирилиши ва тўхтовсиз суратда зўр бериб қуролланиш амалга оширилиши натижасида жаҳонда мавжуд бўлган кескинлик учун масъулиятни Совет Иттифоқи зиммасига юклаб қўйишга уринишдан бошқа бир нарса эмасдир.

ИҒВОГАРЛИК ВИЗИТИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 30 август. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг президенти Любке кеча кечқурун Америка ҳарбий самолёт и д а Ғарбий Берлинга келди.

Боннинг ҳукмрон доиралари Любкенинг бу визитини олдиндан планлаштириб қўйган бўлсалар ҳам, лекин кенг жамоатчиликнинг бунга ёмон назар билан қарашидан қўрқиб, Любкенинг сафарини махфий сақлаб келдилар. «Берлинер моргенпост» газетаси шу хусусдаги ўзининг редакцион мақоласида Бонн давлат и н и н г бошлиғи Ғарбий Берлинга махфий равишда келди, деб ёзмоқда.

Любкенинг «фронт шаҳри»га келиши Ғарбий Германияга мансуб бўлмаган Ғарбий Берлинда Бонн томонидан қилинаётган иғвогарликларнинг биридир.

ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 31 август. (ТАСС). Кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида президент Кеннеди 14 сентябрда Вашингтонда АҚШ, Англия, Франция ва Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши очилишини хабар қилди. Президентнинг гапига кўра, бу кенгаш тўрт Ғарб давлати ва уларнинг НАТО даги иттифоқчиларининг Германия ва Берлин тўғрисидаги масала юзасидан олиб бораётган доимий консультациялари жараёнидаги янги босқич бўлади.

Шунингдек, Кеннеди генерал Клейни «элчи даражасида ўзининг Берлиндаги шахсий вакили» қилиб тайинлаганлигини эълон қилди.

Ғарбий Берлин масаласи юзасидан Ғарб давлатлари билан Совет Иттифоқи ўртасида музокаралар олиб борилиши эҳтимоллиги ҳақида Америка матбуотида пайдо бўлган хабарлар муносабати билан, президент Кеннедига: музокараларда қандай масалалар муҳокама қилинажагини ва сиз бу музокараларда нимага эришмоқчи эканлигингизни айта оласизми, деб савол бердилар. Кеннеди бу саволга жавоб қайтариб, АҚШ «ҳар қандай фикр олишишда қатнашишга тайёр» деди, лекин АҚШ ҳукумати қайси масалалар юзасидан фикр олишмоқчи эканлиги ҳақида ҳеч нарса айтмади. Вақолаки, ҳозирги вақтда Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш тўғрисидагина музокаралар бўлиши мумкинлиги аён.

Президентдан: «Берлинда вужудга келган аҳвол сабабли» АҚШ нинг НАТО даги иттифоқчилари ўз ҳарбий кучларини мустаҳкамлаш учун кўраётган чораларидан мамнунмисиз ва улар қандай чораларни кўрмоқдалар ҳамда кўрмоқчилар? деб сўрадилар.

Кеннеди бунга жавобан, НАТО ҳарбий кучлари «бир мунча кўпайтирилди», лекин «НАТО даги иттифоқчиларнинг қандай чораларни кўриши ҳақида қатъий хулоса чиқариш» ҳозирча мумкин эмас, деди.

Қўшма Штатлар, деди президент, яна қандай тадбирларни амалга ошириши мумкинлигини ўйлаб кўрмоқчи. Ташқи ишлар министрларининг август ойи бошидаги учрашуви вақтида биз НАТО мамлакатларининг кўпроқ кучлар ажратишларини жуда қатъий талаб қилган эдик.

БРАЗИЛИЯДА АҲВОЛ

МОНТЕВИДЕО, 1 сентябрь. (ТАСС). Сан—Паулода жойлашган Бразилия иккинчи армияси исёнчи генерал Денисдан Рио—Гранде—до — Сулда тўпланиб турган ва президент Гулартга содиқ бўлган учинчи армияга қарши жанг ҳаракатлари бошлаш тўғрисида буйруқ олди, аммо иккинчи армия ҳеч қандай ҳаракат қилмади. 2-армия қўмондони Бразилия парламентининг қарорларига бўйсунажагини айтди.

Кейнинги хабарларга кўра, Бразилия президенти Гуларт Карраско (Уругвай) аэродромига келган.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 СЕНТЯБРДА

18.30—**Концерт** (мактаб ўқувчилари учун ўқув йилининг бошланишига бағишланган), 19.10—**Кун янгиликлари** киножурнали, 19.20—**Телевизион янгиликлар**, 19.40—**Ҳужжатли фильм**, 20.00—**Дима Горининг тақдири** номли киноповесть, 22.10—**Л. О. Утёсов** («Совет эстрадаси усталари» циклидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (КАФАНОВ номли парк, Халқ ижоди уйининг ёзги театри)—2/IX да **Флория Тоска**, 3/IX да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 2/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 3/IX да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IX да **Равшан ва Зулхумор**, 3/IX да **Катта концерт**. Ўзбекистон ССР халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Қизил елканлар — «ИСКРА» (кеч соат 7 яримдан), «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Остравагача борадиган скорий поезд—«ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да), «ДРУЖБА» (I-залда), «СПУТНИК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Халат кийган аёл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1,3 ва кеч 5 да), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Нотаниш аёлнинг хати — «ИСКРА» (кеч соат 7 гача), «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз соат 12, 1-10, 2-20 минут, 3 ярим ва 4-40 минутда), **Инсон тақдири** (кеч 9-20 минутда)—КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Қизил елканлар — «ФЕСТИВАЛЬ», **Эгар устида ўлим**—«ОКТЯБРЬ».

Остравагача борадиган скорий поезд — «ВАТАН».

Заречная кўчасида баҳор — НАВОИЙ номли.

Париж Момо Марям ибодатхонаси (1 ва 2-серия) — «ПОБЕДА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
КПСС XXII съезди шарафига
2, 3 сентябрда
ЎЗБЕК АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚС
КЕЧАЛАРИ

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Кенжа Матназаров**, VI Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Мунаввар Давлатова, Отажон Раҳабов**, солистлардан **Неъматжон Қулабдуллаев, Қувондиқ Искандаров, Вилоят Оқилова, Равшан Мўминова, Маҳмуджон Муҳамедов, Сайфиддин Йўлдошев, Болтабой Шарипов, Амир Холмуродов, Карим Неъматовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Республиканинг омонат кассалари, магазин, дўкон ва томошахоналарида, шунингдек алоқа муассасалари, «Союзпечать» киоскалари ва темир йўл кассаларида
Ўзбекистон ССРнинг 1961 йилги
пул-буюм лотереяси
учинчи чиқарилиш
БИЛЕТЛАРИ СОТИЛАДИ

Ютуқлар тиражи 17 сентябрда Фарғона шаҳрида ўтказилади.

Бу тиражда 600.000 сўмлик 294000 та буюм ва пул ютуқлари ўйналадн.

Ютуқлар орасида: «Волга» ва «Москвич» автомобиллари, мотоциклар, пианинолар, гиламлар, телевизорлар, холодильниклар ва бошқа қимматли буюмлар бўлади.

Лотерея билетларини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ДОРУРСИГА
жойларда ишлаш учун:
орс бошлиғи ўринбосари, орс филиаллари бошлиқлари, товароведлар, инженерлар, ошпазлар, умумий овқатланиш инспектори, бухгалтерлар, бухгалтер-инвентаризаторлар, ошхона мудирлари
КЕРАК
Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 94. уйда Дорурс кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (коммутаторлар 26-028 дан 26-037 гача, қўшимча телефон 46-68).

БИР ХАТ ИЗИДАН

ИНСОНЛИККА ИСНОД

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Мен бу мактубни кўз ёшларим билан ёзяпман. Содда ота-онам мени Турсунбойваччанинг мансаби, фасони, қолаверса, баъзи қариндош-уруғларнинг гапига учиб хотинликка узатди. Улар бу ишни қилдилару, энди мен билан бирга азобини тортмоқдалар, Турсунбойвачча ўтаётган фирибгар хотинбоз одам экан. Уни ийланмаган йигит, деб ўйлаган эдик. Амалда эса кўп хотинли бўлиб чиқди. У, мендан илгари ҳам икки хотинини ҳайдаган, бир гўдакни тирик етим қилган экан. Хўжаев янги ёр топганидан кейин мени ҳам ўғилчам билан ҳайдади. Мен оқ-қорани таниган, ўрта маълумотли бўлиш арафасида турган жамоатчи қиз эдим. Лекин, бўлажак ҳаёт йўлдошини яхши ўрганмай, оилавий ҳаётга енгилтаклик билан қараганим учун мана энди унинг азобини тортяпман. Ана шунинг учун ҳам мен каби хотин-қизлар беғафо тузоғига илинмаслиги учун, гўдаклари етим қолмаслиги учун унинг кирдикорларини фош этишни илтимос қиламан.

Муҳаббат ҚОСИМОВА.

Ҳақиқатдан ўша кунларда Турсунбойвачча Назира Одиловнанинг тузоғига илинтириб. Людмила устига хотин қилиб олган эди. Людмила вафосиз эр даргоҳидан фақат устидаги кийими, қўлидаги гўдаги билан қон-қон йиғлаган ҳолда чиқиб кетган эди. Хўжаев шунчалик номардлик қилдики, ҳатто ўз фарзандига қонунсиз нафақа тўлашдан ҳам бош тортиб кўп вақт қочиб юрди. Людмила кетидан Москвага талоқ хати ҳам етиб борди. Талоқ хатини Хўжаев шундай усталик билан қўлга киритдики, Тошкент область судидагилар фирибгарга бу хатни қандай қилиб, ўз қўллари билан топширганликларини ҳам пайқамай қолдилар. Улар Хўжаевнинг: «Хотиним мени ташлаб кетди. Тошкент ҳавоси унга тўғри келмабди» деган бир оғиз сўзига учиб ажралиш ҳукмини чиқариб беравердилар.

Нестеровнинг бошига тушган мушкуллик кўп ўтмай Қосимовлар хонадонига ҳам кириб келди.

Мақсуд ака содда ва софдил одам. Унинг бу соддалиги қийлакор Турсун Хўжаевга жуда қўл келди. Хўжаев Мақсуд акага. сўнгра унинг хотини олдига кетма-кет совчи юборди.

Кунлардан бирида 76-мактаб директори Туроб Қурбонов Мақсуд Қосимов ўйига кириб келди. Мақсуд ака қизи Муҳаббат ўқиётган мактаб директорининг бевақт келишидан ҳайрон бўлди. Қизим устида мактабда бирон гап-сўз бўлдимикан, деган ташвишда қаршисида қўл қовуштириб турган директордан шошилиб сўради:

— Мулла Туроб бевақт келибсиз, тинчликми ўзи?

Ҳа,—деди кулиб Туроб Қурбонов. — Хайрли иш учун келдим, қизингизга бахт, оилангизга одобли куёв ато қилиб келдим.

— Ахир, қизимиз ёш-ку, ўқиши нима бўлади?

— Буёғидан ташвишланманг,—деди директор мағрурланган ҳолда. — Ўқишни давом эттиришига мен кафил, яхши йигитни қўлдан чиқарманг.

— Куёв бўлмиш уйланмаганми, қаерда ишлайди?

— Қишлоқ хўжалик министрлигида. катта ишда. У, одобли қизни қидириб уйланмай юрибди.

Директорнинг тилёғлама гаплари Мақсуд аканя бўшаштирди, лекин қизининг ўқиши кўз олдига келиб яна сўрашга мажбур бўлди:

— Қизимнинг ўқиши жувонмарг бўлмасмикин, мактабни тугатишига оз қолди-ку?

— Менинг жияним унақанги йигитлардан эмас, ўзи олим бўла туриб қизингизни ўқишдан қолдирармиди, — деди Қурбонов.

Мақсуд акага Қурбонов ишлатган ҳийлалар йигитнинг онаси томонидан Муҳаббатнинг онасига ҳам ишлатилди. Шундай қилиб ёш қиз ота-она тилаги ва орзуси билан Турсунбойваччага турмушга чиқишга рози бўлди. Ҳийлагар Хўжаев эрта-индин деб Муҳаббат билан ЗАГСдан ўтишни орқага сураверди. Чунки унинг нияти бузуқ эди.

Муҳаббат тўйдан бир ой ўтмасданоқ эрининг қўпол сўзларини эшита бошлади. Унинг дайди юришларидан, кечалари маст-аласт келиб ҳақорат қилишидан изтиробга тушди. Энг ёмони мактабдошлари, дугоналари бағридан — ўқишдан тортиб олинганлиги учун азоб чекди.

Қатта ваъдалар билан тўй бошқа бўлган мактабнинг коммунист директори ҳам ўз ўқувчиси ҳолидан хабар олмай қўйди.

Хўжаев Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг бош зоотехниги вазифасидан Қорақалпоғистон АССР совхозлар трести бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари қилиб тайинланди. Шунда у. уйига келиб Муҳаббатга сурбетлик билан деди:

— Мен яна катталашдим. Нукусга кетяпман, яна бир қизга уйланишим керак, хоҳласанг сен ҳам кундош билан турaверасан.

Бу сўзлар Муҳаббатни гангиратиб қўйди. Эрининг барча ҳақорат ва хўрлашларига сабр қилиб келган Муҳаббат бу ўтакетган виждонсизликка чидолмай ҳўнграб юборди.

— Лоақал фарзанд ҳурмати учун бу йўлдан қайтсангиз бўлмайдими, дея олди.

Лекин тош юрак Хўжаевга бу кўз ёшлари заррача ҳам таъсир қилмади. У, ўз сўзида туриб: бола бўлса бир гап бўлар, деб кўчага чиқиб кетди...

Хотинбоз ўз айтганини қилди. Бу сафар у ўз синглисининг дугонаси Василани тузоғига илинтирди. Уни ҳам Тошкент медицина институтидан тортиб олиб, «ичкари»га тиқди. Бу студент ҳам ўз жонажон институти ва дугоналаридан ажралди. У энди ҳомиладор, янги фарзанд умидида. Билмаймиз, бу аёл ҳам гўдак талпинишидан озор чекмасмикан?

Биз, Турсунбойваччадан сўрадик:

— Мана, тўртинчи хотиндан ҳам фарзанд кўрадиган бўлибсиз, бу гўдакни ўкситмассиз?

У яна сурбетлик қилди:

— Билмадим, онаси характеримга тўғри келса яшайди, бўлмаса...

Хўжаев ўзи ҳайдаган хотинларининг ҳаммасини «характер» масаласида айблайди. Лекин, у, ўз характери инсонга. энг муҳими совет кишисига ёт характер эканлигини ўйлармикан! У, ўз характери билан коммунизм қураётган совет кишилари олдида юзи қора бир киши бўлиб қолаётганини сезармикан! У, ёш оналар қалбини эзаётганлигини, гўдакларни тирик етим қилиб ўкситаётганини ҳис қилармикан!

Турсун Хўжаев онлада, юриштуришдагина эмас, хизмат вазифасида ҳам нопоклигини кўрсатди. У сўнгги вақтларда ишлаган жойлари — Қорақалпоғистон АССР совхозлар трести ва «Нукус» совхозида ўз шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб иш юритди. Фирибгарлик билан шуҳрат орттиришга интилди. Кейинги ойларда «Нукус» совхозида бош зоотехник эди. Бу ерда жамоат чорвачилигини ривожлантириш, айниқса унинг маҳсулдорлигини оширишга мутахассис сифатида муносиб ҳисса қўшиш ўрнига, кўзбўямачилик билан шуғулланди. Совхоз маъмуриятя уни тузалмас мараз, жамиятга бирон фойда келтирмовчи киши сифатида қоралаб, совхоздан ҳайдади. Энди, у мутахассислик дипломини улоқтириб шахсий шоферлик гувоҳномасини бағрига босиб юрибди. Бу гувоҳнома билан у, ҳаромхўрликдан келган сармояга сотиб олган «Победа» машинасида Тошкентнинг у бошидан бу бошига кезиб, тўғрироғи, «аравакаш»лик қиляпти. Аравакашлик қилганда ҳам жуда пасткашлик қилмоқда. Машинасига тушган киши унинг кафтига камроқ ганга ташласа кетидан хўмрайиб, сўкиниб қолади. Унинг ошна-оғайнилари, қариндош уруғлари унга илгари: «эсиз эркак кетгин», деб таъна қилсалар, энди «Сатқаи мутахассис кетгин» деб нафрат ўқимоқдалар.

Х. НОСИРОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ *«ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ*

КОММУТАТОР —26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р 01695 Нашр. Б. 2